



Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Ноғтода

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 12 август, пайшанба • 33 (3561)-сон



“Бу ҳаётни ҳимоялаш керак.  
Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз  
керак. Келажак авлодимизни  
ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя де-  
гани нима? Ҳимоя дегани – ав-  
вало огоҳ бўлиш, дегани”.

И. КАРИМОВ.



## ЯХШИ БЎЛ, БОЛАМ!

Дунё жумбокларин ечиб кўрганлар,  
Гоҳ шодлик, гоҳ қайғу тотиб кўрганлар,  
Демишлар эл ичра иззат кўрганлар:  
“Харгиз ёмонларга эргашма, болам”.

Ватанинг, элингни жонингдан севсанг,  
Юрting тупрогини муқаддас билсанг,  
Арзир ўз халқингга жон фидо қилсанг,  
Харгиз ёмонларга эргашма, болам.


Фарзандлик бурчини адо этганлар,  
Она-Ватан дея шаҳид кетганлар.  
Юртфуруш нокасдир юртдан кетганлар,  
Харгиз ёмонларга эргашма, болам.

Адашмасин дея инсон боласи,  
Дуога кўл очар ўзбек онаси.  
Куй-кўшиқ, шодликка тўлсин хонаси,  
Фақат яхшиларга эргашгин, болам,  
Яхши бўл, яхши бўл, яхши бўл, болам!

Эркинбой РЎЗИБОЕВ,  
милиция катта сержанти.

Ҳикмат излаганга ҳикматdir дунё

Ҳаёт хайрли ишлар  
учун берилган, гайирли  
ишлар учун эмас.



«Ноғтода» давлатий таъсисати  
**УЧИНЧИНЧИ ОЛАМ**

HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVIYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
TILDEMLIK YADIDLARI

УШБУ СОНДА:

ДЕМОКРАТИК  
ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ  
БАРПО ЭТИШ  
ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР  
МУХИМ ҚАДАМ

4-5

ДУНЁ ҲАФТА  
ИЧИДА

6

ОСОЙИШТАЛИК  
ҲОВЛИДАН  
БОШЛАНАДИ

19

САНЪАТИМИЗ  
ДАРҒАСИ

21

ҚАСД

23

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

## БОЛАЛАР ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси вакиллари ташабуси билан Наманган вилоятида болалар хуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида хуқуқзарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда "Ювенал адлия" масалаларига бағишиланган семинар бўлиб ўтди. Унда вояга етмаганлар орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш гурӯҳлари, Андикон, Фарғона, Наманган вилоятларининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари масъул котиблари, хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳалқ таълими вакиллари қатнашдилар. Семинарда иштирокчиларга малакали хуқуқшуносар Ўзбекистон Республикасида ратификация килинган "Бола хуқуқи тўғрисидаги Конвенция", "Бола хуқуқлари Декларацияси" ва бошқа ҳалқаро ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар бериб, саволларга жавоб бериши.

Иzzot TOLBOBOEV,  
милиция подполковники.

## ЯНГИ ИНШООТ ҚЎРИҚҚА ОЛИНДИ

Маълумки қўриқлаш хизмати ҳўжалик ҳисобида фаолият юритади. Яъни, ўзини-ўзи маблаг билан таъминлайди. Иншоотлар ва хонадонларни ишончли қўриқлаш мазкур хизматнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Яқинда Нарпай тумани ИИБ хузуридан қўриқлаш бўлинмаси томонидан янги иншоот шартномага биноан қўриққа олинди. Бу ҳолат, биринчидан, мазкур ҳаётӣ мухим обьект ишончли муҳофаза қилинишига кафолат берса, иккинчидан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган маҳаллий йигитлар иш билан таъминланишига замин яратди.

Ушбу иншоот қўриққа олиннишида бўлинма бошлиғи, милиция капитани Ф. Ҳамраевнинг саъ-ҳаракатини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хизматни оддий милиционерлардан бошлаган Фахриддин ўн йил ичидан раҳбарликчага бўлган сермашақат йўлни босиб ўтди. Ҳозирги пайтда иккى юз нафарга яқин шахсий таркибга бошлиқ ҳамда яқин маслақдошdir. Камтаринлиги, самимилиги ва доимо хизмат манфаатини кўзлаши билан касбдошлар ҳурматини қозонган.

Anvar FYULOMOV,  
милиция майори.

## СОДА ЗАВОДИ ПОСБОНЛАРИ



Кўнғирот сода заводи курилиши мамлакатимиздаги энг йирик курилиш деб эътироф этилмоқда.

Чўлда қад ростлаётган шаҳарни кўриб, инсоннинг яратувчанлик кобилиятига лол қоласиз. Томирлари чукур илдиз отган дараҳатлар аскарлардек бир чизикда сафтотриб, кўчаларга кўрк бағишилаб, шаҳарга хусн кўшмокда.

Биз "шаҳар" деб бежиз таъриф бермаяпмиз. Чунки ҳозирнинг ўзинда бу ерда олти мингдан зиёд аҳоли яшаб, меҳнат қиласи. Уларга 250 ўринли ошхона, 50 ўринли қаҳвахона, 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси, дўконлар, касалхона ва 300 ўринли клуб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, 48 ва 30 хонали яшаш жойлари, универсал дўкон, ёпиқ бозор, автобекат, меҳмонхона ва шаҳар ҳоки-

мияти биносининг қурилишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бу эса шубҳасиз яқин қунларда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Устурт саҳросида кимёгарлар шаҳарчаси вуждуга келишига далолатdir.

Курилиш ишлари Хитойнинг "СИТИК" компанияси билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Завод ҳудудида осойишталикини таъминлаш учун тажрибали ходимларимизни жалб этганимиз, – дейди Кўнғирот тумани ИИБ бошлигининг ўринbosари, милиция капитани Адилбек Мамбеткаrimov. – Хорижий ишбилармонлар тарафидан уларнинг хизматларига ижобий баҳо бериллаётгани бизни беҳад кувонтиради.

Дурдібай ХУДОЙШУҚУРОВ.  
Суратда: милиция майори  
К. Қоипназаров ишчилар билан  
сұхбатлашмоқда.

О. ОТАЖОНОВ олган сурат.

## ҚАДРЛАГАН КАМ БЎЛМАСИН

Болалигимда бувам намоз ўқиб туриб, Аллоҳдан қариганимда қадримни олма, деб илтико қилганлари ёдимда. Лекин ўша кезлари бу гапга унча эътибор бермасдим. Мана ўзим ҳам кексайиб бувамнинг ёшларига етдим. Энди Аллоҳдан қадр, оқибат ҳақида илтико қилиш навбати менга етди.

Иккинчи жаҳон урушига кетиб, 1947 йилда қайтиб келдим. Ҳеч иккиланмай ички ишлар хизматига кирдим. 1984 йилдан буён нафақадаман. Лекин сафдошларим, шогирдларим мени ёлғизлатиб кўйишмади. Ҳозирда ёш ходимлар билан

учрашувлар ўтказиб, уларга ўз тажрибалиримдан гапириб бераман.

Саксон ёшни қаршилаш арафасида турибман. Жиззах вилоят ИИБдан вакиллар келиб, юбилей кунигача уйингизни таъмирлаб берамиш дейишиди. Бир томони ўнгайсиз бўлди. Лекин менга кўрсатилган ҳурматдан бошим осмонга етди. Чунки беш хонали уй янги қурилгандаи қилиб таъмирланди. Хизматларимни инобатга олиб, мурувват кўрсатганлардан миннатдорман.

Мелибай ОДИЛОВ,  
истеъфодаги ички хизмат подполковниги.



Суратда: профилактика катта инспектори, милиция майори Кувондиқ Курбонов ўсмирлар билан сұхбатлашыпти.

Абубакр КЕНЖАЕВ олган сурат.

Профилактика инспектори ўзи хизмат қилаётган худуддаги барча фуқаролар, шунингдек, болаларнинг хафвасизлигига масъулдир. Кўп йиллардан бери Жиззах туманиндағи "Кулома" қишлоқ фуқаролар ийини ахолисига хизмат қилаётган милиция майори Кувондиқ Курбонов дикқат эътиборини болаларнинг юриш-турини, нима иш билан шуғулланишига қаратган. Шунинг учун ҳам йилнинг ўтган даврида қишлоқда болалар ва ўсмирлар билан боғлиқ жиноят соодир бўлмади.

Бухоро нефти қайта ишлаш заводи йилига катта микдорда газ конденсати ва нефть маҳсулотлари етказиб берил мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Корхонадаги тайёр ва хом ашё маҳсулотларини сақлаш, тозалаш, қайта ишлаш цехларида иш жараёнлари тез алангаланувчи суюкликларга бевосита боғликлигини назарда тутсак, арзимас эҳтиётсизлик катта фалокатларга олиб келиши аён бўлади.

Хар йили қиши бошланishi билан республикамиз миқиёсида ёнгин хавфасизлиги ойлиги ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Лекин ҳаво ҳарорати жуда баланд бўлгандач? Албатта, бу даврда ҳам ёнгинлар келиб чиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айниқса, нефть маҳсулотларини сақлаш омборлари, нефть маҳсулотларини тозалаш ва қайта ишлаш корхоналарида. Шунинг учун завод раҳбарияти масканларнинг ёнгин хавфасизлигига жуда катта аҳамият бермоқда. Ҳаво ҳарорати кўта-

рилгани инобатга олиниб завод директорининг буйргугига асосан ёнгин хавфасизлиги ойлиги ўлон қилинди. Иш режасига кўра қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ёнгин ва фалокатларнинг олдини олишда ёнгин хавфасизлигига хизмати вакиллари билан завод муҳандистехник ходимларнинг

операторларнинг ёнгин хавфасизлигини кўпол равишда бузаттанини кўрган масъул раҳбарлар изза бўлишди. Бундай кўрсатувлардан ҳар бир цех раҳбари иш ўринларидағи мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиши аниқ. Бундан ташқари объектлардағи ёнгин ўчириш воситаларининг доимий созлигини таъминлаш мақсадида завод раҳбарияти томонидан жорий йилнинг шу кунига қадар беш миллион сўмга яқин

маблаг ажратилиб, 200 та ўт ўчирувчилар қайта зарядлантирилиб, шай ҳолатга келтирилди. 25 дона ОУ-5 русумли ва 30 дона ОП-5 русумли янги ўт ўчиричлар, ёрдамчи бинолардаги ички сув олиш жўмраклари учун 1000 метр енгилклар ҳамда маҳсус резина ичаклар харид қилинди.

Ҳозирги кунда цехларда ёнгин каби фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган амалий машғулотлар таҳсинга сазовор.

Шаҳобиддин УЗОҚОВ,  
ички хизмат капитани.

## ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ ҚЎРИЛЯПТИ

мозлигини таъминлаш мақсадида завод раҳбарияти томонидан жорий йилнинг шу кунига қадар беш миллион сўмга яқин

маблаг ажратилиб, 200 та ўт ўчирувчилар қайта зарядлантирилиб, шай ҳолатга келтирилди. 25 дона ОУ-5 русумли ва 30 дона ОП-5 русумли янги ўт ўчиричлар, ёрдамчи бинолардаги ички сув олиш жўмраклари учун 1000 метр енгилклар ҳамда маҳсус резина ичаклар харид қилинди.

Ҳозирги кунда цехларда ёнгин каби фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган амалий машғулотлар таҳсинга сазовор.



# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ

**Бу йил ҳалқимизнинг ҳуқуқиий демократик давлат куриш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги хошиш-истагини рўёбга чиқариш йўлида навбатдаги муҳим қадам қўйилади. Бинобарин, декабрь ойида юртимизда илк бор икки палатали парламентга ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Такомиллашган қонунчилик базаси ва кенг илмий асосга эга эканлиги билан ажралиб турувчи ушбу сиёсий кампаниянинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ҳамда аввалгиларидан қандай жиҳатлари билан фарқланади? Шу каби сайловларга жавоб олиш мақсадида маҳсус мухбиришим Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев билан сұхбатлашди.**

**Мұхбир:** — Аввали, демократик давлатдаги сайлов тизими ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ҳақида тұхтасанғиз.

**Б. Мустафоев:** — Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллік органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятini ҳам беради. Фуқаролар томонидан сайлов ҳуқуқларининг ҳеч түсіксиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган ҳалқ иродаси ҳоқимият ва ҳар қандай ҳуқумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқариша бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина ҳалқаро ҳужжатларда таъкидланган. Фуқароларининг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқариша қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб у ёки бу давлатнинг қайда даражада демократия асосида яшайтганлигига баҳо бериш мумкин.

Демократиянинг ушбу энг муҳим томойилини ҳаётга тадбиқ этиш, одамларнинг сайлов ҳуқуқи, ўз хошиш иродасини эркин ифодалаш, манбаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний замин яратиб берилиши лозим.

Мамлакатимизда бундай замин яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуларда сайловларга доир умумъетириф этилган демократик тартибот ва қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу қонулар асосида юртимизда илк бор икки палатали парламентта ва маҳаллий ҳоқимият вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мамлакатимизда миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкамланиши ва демократик анъаналарнинг ривожланиши даври бўлди. Бу давр мобайнида фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошқариша иштирок этишининг ҳуқуқи негизлари ва механизmlари мунтазам такомillлаштирилди. Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланиб борилаётir, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгармоқда. Яъни, сайлов қонунчилигидан ҳалқаро андозалар тўла ўз аксини топди ва ниҳоят, сайловлар демократиянинг юраги, узвий бўлаги бўлиб қолди.

Парламент фаолиятини тақомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас хусусиятидир. Шунинг учун ҳам дунёдаги турли демократик тизимларда парламент фаолиятини тақомиллаштириш ва усулларини шакллантиришнинг самардорлигини ошириш учун катта изланишлар олиб борилмоқда, Жаҳон амалиётидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистонда 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган Референдум якунлари асосида Конституциямизга киритилган ўзgartirишларга биноан қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис икки палатали парламент тизимига ўтади.

**Мұхбир:** — **Маълумки, республикамиз кўп партияли демократик давлат. Шу маънода сиёсий партияларнинг сайловлардаги роли ва иштироки қандай бўлади?**

**Б. Мустафоев:** — Жамиятнинг сиёсий ҳаётida тутган ўрни, аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг мақсад ва вазифалари турлича бўлса-да, жамиятда сиёсий муаммоларни ҳал қилиш, турли сиёсий кучлар манбаатларини ҳимоя қилишда етакчи сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатадилар.

Демократиянинг энг муҳим белгиларидан бири бу ҳоқимият вакиллик органларининг кўппартияйлик асосида шаклланишидир. Республика мизда сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасида конс-

титуцияйлик ҳуқуқий асос яратилган. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлаштирилди. Үзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланиб борилаётir, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгармоқда. Яъни, сайлов қонунчилигидан ҳалқаро андозалар тўла ўз аксини топди ва ниҳоят, сайловлар демократиянинг юраги, узвий бўлаги бўлиб қолди.

Жамиятнинг сиёсий тизими ижтимоий-сиёсий муносабатларда қатнашувчи ташкилотлардан иборат. Унинг ажралмас таркибий қисми ва асосий бўғинларидан бири эса сиёсий партиялардир.

Сиёсий партия мукаммал ташкилот бўлиб, демократик бошқарув жараёнида муҳим, бир қатор ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Шулардан энг асосийси давлат муассасалари ва органлари устидан маълум даражадаги назоратни қўлга киритиш мақсадида сайловларда қатнашиш ва ғалаба қозониш ҳисобланади.

Маълумки, ўтказилажак парламент сайловида сиёсий партияларнинг роли муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташабbusкор гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги маърузасида кўппартияйлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ҳамда ҳалқ орасида обрў топиш эвазига, авваламбор, сайловолди ва сайлов даврида ўз гоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳоқимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига қўйган форя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиийлигини тақидлаб ўтдиilar.

Сиёсий партиялар нафақат Қонунчилик палатаси, балки жойлардаги давлат ҳоқимияти вакиллик органлари сайловида фаол иштирок этадилар, яъни парламентнинг юқори палатаси — Сенат аъзолари сайланышига ҳам бильосита таъсир кўрсатадилар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг барчаси-

га тенг шарт-шароитлар яратиб берилади. Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сиёсий партияларни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш фақат ана шу мақсадлар учун ажралладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Уларнинг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган микдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Бу сумма шу партиядан депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партияяниг ҳисоб варагига ўтказилиди.

Сиёсий партиялар ушбу маблағларни сайловолди кўргазмали ташвиқоти воситаарини нашр этишга; депутатликка номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа ахборот воситаларида чиқишлиарни ташкил этишга; номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари, уларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкиллаштиришга; сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартияйлик тадбирларга сарфлашлари керак.

Сайлов кампаниясида сиёсий партиялар, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар ихтиёрий равишда ўз маблағлари билан иштирок этишлари мумкин. Ушбу маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиниб, сайловда иштирок этаётган номзодлар учун тенг тақсимланиши таъминланади.

**Мұхбир:** — **Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси давлат курилишига янги атамалар, жумладан «парламент», «сенат», «куйи палата», «юқори палата» кабилар кириб келди. Шулар ҳақида кенгрок тушунча бериб ўтсангиз?**

**Б. Мустафоев:** — Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 76-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонунчиқарувчи ҳоқимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан — Қонунчилик палатаси (куйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколат муддати беш йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппар-

тиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма нафар депутатдан иборат бўлади. Сенат эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзолари (сенаторлар)дан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари Қорақалпогистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳоқимияти вакиллик органлари депутатларнинг тегишли қўшма мажлислирида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг микдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

«Сенат», «Қонунчилик палатаси» - Ўзбекистон фуқаролари учун янги бўлган бу тушунчалар шу йил мамлакатимиз парламентига бўлиб ўтадиган сайловдан кейин ҳақиқатга айланади. Икки палатали парламент мамлакатимизда демократияни ривожлантиришда янги давни очиб беради, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётнинг янада ривожланиши учун самарали вазият яратиш, фуқаролар ва давлат ўртасида ҳақиқий ва очиқ мулоқот килиш воситасига айланади.

Икки палатали парламентлар бугунги кунда аксарият мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда. Агар статистикага мурожаат қиласидан бўлсан, уларнинг сони кейинги йилларда 42 тадан 75 тага етди. 2005 йилда булар сафига Ўзбекистон парламенти ҳам қўшилади. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар Парламент институтига эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айни пайтда ер куррасидаги 200 га яқин давлатнинг қарийиб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи бўлмиш парламентлар мавжуд.

Хозирги замон парламентлари тузилиши, ваколатларининг кўлами, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, сайланыштарни таъсирларидан ажралиб турадилар. Улар ҳатто номланиши, депутатларнинг сони билан ҳам фарқ қиласиди. Масалан, АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Хитой Ҳалқ Республикасида 2979 аъзодан иборат Умумхитой Ҳалқ вакиллари Мажлиси, Россияда 626 на-

# ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

фар депутатдан иборат Федерал Мажлисни мисол килиб келтириш мумкин.

Кўпчилик икки палатали парламентларда кўйи палата Конунчилик палатаси деб номланиши унинг қонунчилик соҳасида мутлақ ваколатга эга эканлигидан далолат беради. Ўзбекистонда ҳам парламентнинг кўйи палатаси Конунчилик палатаси деб аталиши унинг қонун ижодкорлиги соҳасида устувор аҳамиятга эгалиги ва доимий равиша фаолият олиб бориши, яъни професионал парламент эканлигини англатади.

**Мухбир:** — Сайловлардаги кимлар иштирок этади? Сайловчиларнинг ҳукуқ ва бурчлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

**Б. Мустафоев:** — Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари сайлаш ҳукуқига эгадирлар.

Конунчилик палатасига сайланниш ҳукуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камидан 5 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаётган фуқаролар эгалар. Илгари судланган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмас эди. Эндилида бу қоида факат содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларга таалуклидир. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳуким билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланниш мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳукуқлари ни тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Фуқаролар жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ихтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қатъий назар тенг сайлов ҳукуқига эгадирлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сайловлар сайловчиларнинг ўз ҳоҳиши билан ихтиёрий равиша қатнашиш асосида ўтказилади. Ҳеч ким фуқароларни сайловга қатнашиши ёки қатнашмаслигини мажбурий равиша амалга ошира олмайди, бунга қонун йўл қўймайди.

Куйидагилар: содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган фуқаролар; сайлов кунига қадар сўнгти беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган фуқаролар; Ўзбекистон Республикаси Курол-

ли Кучларининг ҳарбий хизматчили, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчили, депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

**Мухбир:** — Депутатликка номзод кўрсатиш тартиби қандай?

**Б. Мустафоев:** — Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳукуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганилиги эълон қилинган кундан камидан олиб ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишин қўллаб-куватловчи камидан эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатилиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганилиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Мамурий-худудий тузилмалардан бирида (Корақалпогистон Республикаси, вилоят, Тошкент шахри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳукуқини рад этади.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади. Сайловда иштирок этаётган ҳар бир сиёсий партия Конунчилик палатаси депутатлигига бир юз йигирма нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатилиши мумкин. Номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари<sup>\*</sup> ҳал этадилар. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир.

**Мухбир:** — Бу йилги сайловчиларнинг аввалгиларидан фарқи нимада?

**Б. Мустафоев:** — Бўлғуси парламент сайлови илгариги сайловлардан фарқ қиласи. Бу, аввалимбор, сайловга доир қонун ҳужжатларида киритилган ўзгартишлар билан боғлиқ, Янги таҳрирдаги, шу йил июль оидан кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доираси бир мунча кенгайтирилган. Энди, ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини Олий Мажлис эмас, балки Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Шунингдек, айrim депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топиш масаласи бундан кейин ушбу комиссия томонидан ҳал этилади. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколатлари кўлами кенгайтирилиши ҳам Марказий сайлов комиссия-

шаббускор гурухи округ сайловчилари умумий сонининг камидан саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-куватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овлу бўйича мутаносиб равиша тақсимланган бўлиши шарт.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида ва сайловга 45 кун қолганида тугайди. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга 35 кун қолганида тугалланади. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашибади. Қонунчиликка мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Давлат ҳокимиюти вакиллик органларининг қўшма мажлисиги ҷақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек овоз беришини ўтказиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Мухбир:** — Бу йилги сайловчиларнинг аввалгиларидан фарқи нимада?

**Б. Мустафоев:** — Бўлғуси парламент сайлови илгариги сайловлардан фарқ қиласи. Бу, аввалимбор, сайловга доир қонун ҳужжатларида киритилган ўзгартишлар билан боғлиқ, Янги таҳрирдаги, шу йил июль оидан кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доираси бир мунча кенгайтирилган. Энди, ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини Олий Мажлис эмас, балки Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Шунингдек, айrim депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топиш масаласи бундан кейин ушбу комиссия томонидан ҳал этилади. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколатлари кўлами кенгайтирилиши ҳам Марказий сайлов комиссия-

силинг мустақиллигини янада мустаҳкамлади. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисини очади, Раис ва Спикер сайлангунга қадар унга раислик қиласи.

Маълумки, аввали сайловларда Олий Мажлисга халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳукуқига ҳокимиюти вакиллик органлари ҳам эга эдилар.

Бу йилги сайловда эса ҳокимиюти вакиллик органлари парламентга ва маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатмайдилар. Бу қоида сиёсий партиялар ролини янада оширади, кўп partiya вакиллик органлари тақиқлантиришга катта турткি бўлади.

Агар илгари Олий Мажлисга сайлов ўтказиши учун 250 та сайлов округини ташкил этиш талаб этилган бўлса, бу сайловларда Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига сайлов юқорида айтиб ўтганимиздек, 120 та сайлов округи бўйича ўтказилади.

Бундан ташқари, агар илгари сайлов ўтган деб хисоблаш учун сайловчиларнинг ярми ҳозир бўлиши зарур бўлган бўлса, энди бунинг учун сайловчиларнинг 33 фоизи сайловда қатнашиши талаб этилади. Бу тартиб жаҳон сайлов амалиётига тўғри келади.

**Мухбир:** — Сиёсий партиялар ҳақиқидаги фикриниз. Уларнинг демократик жамият қурилишидаги ролини қандай деб биласиз?

**Б. Мустафоев:** — Жамият ривожланган сари унинг ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти, уларнинг сиёсий мавқеи ҳам ошиб боради. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири хисобланади. Қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу жойда фикрлар эркинлиги, хилма-хиллиги ҳам бўлмайди, бу ҳол жамият ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг сиёсий тизимида ўзининг тутган ўрни ва мавқеи жиҳатидан давлат ҳокимиютидан кейинги ўринни сиёсий партиялар эгалайди. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табакаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шакллана бошланган.

Конституциямизнинг 34-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба ўшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига ўшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳукуқига эгадирлар.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар турли табака ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиютини тузида иштирок этади.

Сиёсий партияларга муайян ҳукуқлар берилган. Жумладан, улар ўз фаолияти тўғрисида ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, максад ва қарорларини тарғиб этиш, сайлаб қўйиладиган давлат органларида ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимиюти органлари сайловларида иштирок этиш, партия фаолияти билан боғлиқ йигилишлар, анжуманлар ва бошқа тадбирларни ўтказиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, республикадаги бошқа сиёсий партиялар билан иттифоқ (блок) тузиш, улар ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш ҳукуқига эгадирлар.

Буғунги кунда мамлакатимизда бешта сиёсий партия фаолияти кўрсатиб келмоқда. Булар “Халқ демократик” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва Ўзбекистон либерал-демократик партиясидир. Уларда парламент сайловларида иштирок этиш имконияти мавжуд.

**Мухбир:** — Сайловчиларга истакларингиз.

**Б. Мустафоев:** — Энг аввало, уларга соглик тилайман. Қолаверса, уларни бу йилги давлат ҳокимиюти вакиллик органларига сайловларда фаол иштирок этишга қафираман. Чунки, мамлакатимизда ўтажак сайловлар унда иштирок этувчи барча юртдошларимизнинг эзгу мақсадлари, фаровон ҳаёт сарнилишиларини ифодалайди. Фаровонлик том маънода жамиятимизда ўз аксими топиши учун ислоҳотларни давом эттириш, улар самарали бўлиши учун эса мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, тотувлик ҳукм сурishi шарт. Буларнинг барчаси учун биз ҳаммамиз масъулмиз.

**Мухбир:** — Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур.

Сұхбатдоши: шуҳрат МУРОДОВ.

## ОТИШМАЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

Боғдоддаги "Шератон" ва "Фаластин" меҳмонхоналари яқинидаги портлаш юз берди. Артиллерия снарядидан тайёрланган бомба ахлат орасига яширилган бўлиб, АҚШ ҳарбийлари патруль машинаси ўтаётганида портлади. "Ново-



стии" Россия Ахборот агентлигининг маълумотларига қарангандан, патруль машинасидаги аскарлар жабр чекмаган. Аммо ИТАР-ТАСС хабарларига кўра, иккى ҳарбий хизматчи жароҳат олган, машина эса жиддий зарарланган.

Ироқ пойтахтининг шарқий кисмидаги шиалар етакчиси Муқтода ал-Садр тарафдорлари билан иттифоқчи қўшинлар ўртасида кучли отишмалар давом этяпти.

Нажаф шахрида ҳам тўқнашувлар юз бериди турибди. АҚШ ҳарбийлари шаҳарни забт этишга ҳозирлик кўриб, тинч аҳолидан уйларини тарк этишларини сўрашмоқда.

## АЙТИЛГАН СЎЗ - ОТИЛГАН ЎҚ

Бундан бир неча кун олдин Грузия раҳбари Михаил Саакашвили Абхазия қирғоклари томон йўл оладиган хорижий кемалар ўқка тутилади, деб огохлантирган эди. Кейинроқ мамлакатнинг Мудофаа вазири Грузиянинг ҳаво кенгликларини бузиб кирадиган самолётлар уриб туширилиши ҳақида баёнот берди.


Шундан сўнг Россия Давлат Думаси раиси ўринбосари Владимир Жириновский атайлаб автомобилда Анапидан Абхазия томон йўл олди ва ... грузин ҳарбийлари томонидан ўқка тутилди. Бу ҳақда Россия либераль-демократик партиясининг Думадаги фракцияси тарқатган маълумотда хабар қилинди. Партия етакчиси жароҳатланмаган ва хавфсизрок бўлган Сочи оромгоҳлари сари йўл солган.

## МЎЙЛОВЛИ «ТЕРРОРЧИ»

Брюсселда Венага учётган самолёт манзилга етмасдан кўнишга мажбур бўлди. Хайриятки, бунга техник носозлик ёки террорчилик сабаб эмас эди.

Гап шундаки, парвоз бошлангач, 20 дақиқадан сўнг учувчилар кабинасига йўловчилардан бирига қарашли "жанговар" кайфиятдаги мушук отилиб кирди. Майлум бўлишича, эгаси уни жимгина ўйнаб юрар деб қафасидан чиқарган экан.

Стюардесса кабина эшигини очиб, учувчиларга овқат узатётган пайтида мушукнинг ҳам иштаҳаси қўзиб, экипажга ҳужум қилди. Ҳар ҳолда улар шундай тахминда. Бароқполвон фақат овқатланиш билан чекланмади. Камига егулигини бўлишгиси келмаган иккичи учувчининг юзини тимдалаб олди. Бу ҳам етмагандек приборлар тахтаси устида сакраб ўйнашга тушди. Охири экипаж самолётни қайтиб Брюсселга кўндиришга мажбур бўлди. Сўнг "безори"ни иккى соат деганда зўрга тутиб, қафасга қамаб, яна парвозни давом эттириши.




## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

### ЭЛЕКТР ПОЕЗДИДАГИ ХОДИСА

Берлин бўйлаб қатнайдиган электр поездларидан бирида эрталаб соат 7.15да ёнгин юз берди. Фалокат чогида поезд ер ости йўлаги (тоннель) ичидаги эди. Фавқулодда ҳолатдан хабар топган машинист уни эҳтиёткорлик билан хайдаб, навбатдаги бекатгача етказди. Йўловчилар орасида ҳалок бўлганлар, жиддий жароҳатланганлар йўқ. Бу машинистнинг усталиги шарофатидан. Фақат уч киши тутундан заҳарланиб, шифохонага ётқизилган. Уларнинг ҳаёти хавф остида эмас.

Ёнгин келиб чиқиши сабаблари ўрганиляпти. Ўт ўчирувчилар тоннелни кўздан кечиришмоқда. Полиция бир неча йўналишда шаҳар ичидаги қатнайдиган электр поездлари қатновини тўхтатди. Воқеа жойида 80 дан зиёд полиция ходими хизмат олиб бормоқда.





### ЯПОНИЯ ЧЕРНОБИЛИ

Энди Япониянинг Фукуи префектурасидаги Mihima atom электростанциясини шундай атаса керак. Бу ерда 9 avgуст куни эрталаб соат 9.30да реактордан +270 даражали буғ отилиб чиқиб, 5 ишчи ҳалок бўлди, 18 киши жароҳатланди. Улардан 5 нафарининг ахволи оғир.

Шу куни Фукусима-Дайни атом электростанциясида ҳам радиоактив сувнинг сизиб чиққани қайд этилди. Ҳозирча бу ерда жабрланганлар ҳақида маълумот йўқ.

Мутахассисларнинг фикрича, Япониядаги бу иншоотларда юз берадиган носозликларнинг сабаби уларнинг эскирганлигидир. Одатда кўпчилик реакторларнинг фойдаланиши мuddати 30 йил. Mihima станцияси эса 1970 йилда ишга туширилган эди.



### ЯНА БИР ҚЎПОРУВЧИЛИК

Маълумотларга қарангандан, Pars меҳмонхонаси ходимларига қўпорувчилик юз беришидан 10 дақиқа олдин бу ҳақда кимдир хабар қилган. Кейинроқ шаҳар четидаги газкомпрессор станциясида ҳам иккита портловчи курилма портлади. Бу гал бахти тасодиф туфайли ҳеч ким жароҳатланмади. Келиб чиқсан ёнгин тезда ўчирилди, газ чиқиши ҳам бартараф этилди. Портлашдан ярим соат олдин бу ҳақда номаълум кимса хабар берган эди.

Юқоридаги қўпорувчиликлар учун жавобгарликини "Ал Коид" ташкилоти билан алоқадор гурух ўз зиммасига олди.



### ТЕРРОРЧИЛАР МАЧИТГА ТАҲДИД СОЛИШДИ

Ўтган дам олиш кунлари Караби кўчаларида учта бомба портлади. Ўлганлар ва яралангандар сони бир неча ўн кишидан ошиб кетди. Якшанба куни шаҳарнинг гарбий чеккасида мачит яқинидаги иккимарта портлаш юз берди. Кўлбола бомбалар мотоциклга ўрнатилган эди. Натижада 8 киши ўлди, 40 дан зиёд одам яраланди.

Хукукни муҳофаза қилиш идоралари вакилларининг айтишича, биринчи портлаш у қадар кучли бўлмаган. Ҳойнаҳой, жиноятчилар шутариқа атрофдаги одамларнинг дикқатини тортишмоқчи бўлишган. Кўп оломон тўплангач эса иккичи – анча кучлироқ портлаш юз берди. Кейинчалик маълум бўлишича, экстремистлар учта бомба ўрнатишган экан. Учинчиси номаълум сабабларга кўра портламай қолди. Уни воқеа жойига етиб келган сапёллар заарсизлантиришди. Ҳозирча террорчилик ҳаракатини ҳеч бир ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ. Тергов ҳаракатини бошлаган полициячиларнинг фикрича, бунга "Ал-Коид" жангарилари алоқадор.

Шанба куни эрталаб Карабининг бошқа туманида қайд этилган портлаш ҳам иккি кишини ҳаётдан олиб кетди. Бомба автомобиллар ижарага бериладиган марказ ёнида портлади.

### АВТОФАЛОКАТ

Сешанба куни кечки пайт Москва марказида йирик йўл транспорт ҳодисаси юз берди. Учинчи ҳалқа йўлда олтига автомашина ва битта автобус тўқнашиб кетди. Натижада уч "Мерседес", иккى "Жигули" битта автофургон ва "Икарус" автобуси шикастланди. ЙПХ вакилининг айтишича, бир "Жигули"нинг ҳайдовчиси ҳалок бўлган, уч киши тан жароҳати олган. Автобус йўловчилари шикастланмади. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида учинчи ҳалқа йўл деярли тўсилиб қолди. Дастрлабки маълумотларга қараганда, автофалокатга тезликнинг оширилиши ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши сабаб бўлган.

### АҲМАД ЧАЛАБИЙ ЖОСУСМИ?

Ироқ суди мамлакатнинг Мувакқат бошқарув кенгаши собиқ аъзоси Аҳмад Чалабийни қалбаки пул ясашда айблаб ҳибсга олиш учун ордер берди.

У 1992 йилда мамлакат банкидан 250 млн АҚШ долларини олиб кетгани учун сиртдан 22 йилга сургун жазосига

хукм қилинган эди. Чалабий АҚШ ҳарбий сирларини ошкор этганлиқда ҳам айбланяпти. Ҳозир у Техронда яшаяпти. Чалабийнинг Ироқдаги уйи тинтуб қилинганида эски намунадаги ироқ динорларининг қалбаки банкнотлари топилди. Унинг жияни эса қотилликда айбланяпти.

«Постда» gazetasining ilovasi



# УЧИНЧИ ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVIYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
INTERNET XABARLARI.

**“МММ” ҳақида эшитмаган киши бўлмаса керак. Бу акциядорлик жамиятнинг президенти Сергей Пантелеевич Мавроди ўтган асрнинг 90-йилларида мижозларининг содда, гўллигидан фойдаланиб, даромадининг аксариятини соликдан яшириб, катта миқдорда бойлик тўплаган эди.**

Бозор иқтисодига ўтиш даврида МДХ мамлакатларида катта-кичик “Мавроди”лар кўпайиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг ҳақли жазога тортилганлари ҳам, яшириниб юрганлари ҳам, ҳали-хануз фош этилмай хотиржам фаолият юритаётганлари ҳам бор. Қарангки, бу тоифадаги фирибгарлар ўрта асрларда ҳам учраган экан. Шундайлардан бири шотландиялик Жон Лоу эди.

У 1671 йилда заргар ва банкир оиласида туғилди. 23 ёшида Вильсон исмли кишини дуэлга чақириб ғолиб чиқди. Аммо ўша пайтлари куч синашишнинг бундай шафқатсиз тури тақиқланган эди.

муваффақ бўлди. XVIII аср бошларида Франциянинг молиявий аҳволи айтарли дараҷада яхши эмасди: солиқ йиғиш тизими оқсаб, давлат хўжалигида 1716 йилга келиб давлат хазинасида-

ташки қарзлардан кутилиш мумкин, деб умид қилганди.

Тез орада банкнинг молиявий аҳволи Лоуга ишни янада кенгайтириш имконини берди. 1717 йилда у машҳур Хинд компаниясини очди.

Аммо шундан кейин ҳам таникли молиячи тинчмади. Орадан бироз вақт ўтгач, Лоу Филипп Орлеанскийдан қироллик ерларини ижарага олди. Банк яна 300 мингта акция чиқарди. Улардан ҳар бирининг баҳоси 5 минг ливрга етди. Аввалига истаган киши қимматбаҳо қофзларни сотиб олиши мумкин эди. Ҳаридорлар сони хаддан ташқари ошиб кетгач, банк раҳбарияти чекловлар ўрнатишга мажбур бўлди. Айни пайтда молиявий корхона янги пулларнинг қадрини кўтаришга эришди: энди

# ОЛАМ



банк ўзини банкрот деб эълон қилди.

Машҳур молиячининг муваффақиятли бошланган иши шу тарзда аянчли поёнига етди. Оломон газабидан қўрқсан Жон Лоу ўзининг Поле-Рояль қальасига яшириниб олди.

Филипп Орлеанский истедодли молиячи ихтиро этган молиявий тизим зил кетганига анча пайт ишонмади. Фақат Руль қишлоғи ёнидан ўтәётуб хонавайрон бўлган, алданиб қолган одамларнинг ўз сармоялари қайтарилишини талаб қилишашётганини эшишиб, аччиқ ҳақиқатни англади.

Жон Лоу 1720 йил ўрталарида исёнга шайланган Францияни шармандаларча тарк этди. Хинд банки банкротга учрагани ҳақидаги фармонга 1721 йил апрелда имзо чекилди. Корхонанинг кўплаб мижозлари сармоясидан айрилиб, алданиб қолаверишиди.

Анча пайт Жон Лоу шахсини янгича иқтисодий тизим яратишга уринган социалист ва демократ деб талқин қилишга уринилди. Аммо ҳозирги мутахассислар уни мамлакат тараққиёти, фуқароларнинг гувоҳлик беришича, новвойлар кўчаларда кулчаларнинг донаси ни 200 банкнотдан пуллашган экан.

Шаҳарликлар ваҳимага тушишади. Улар тезрок кўлларидағи банк билетларидан кутилишга ҳаракат қилишади. Табиийки, бор-йўғи етти юз милион ливр ҳисобидан уч миллиард банкнот чиқарилгани учун банк раҳбарияти мижозларга керакли миқдорда нақд металл пул топиб беролмади. Шундай қилиб, Лоунинг молиявий тизими ўзининг ночор, номукаммаллигини кўрсатди. Тез орада

## ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА

Конунни бузгани – одам ўлдиргани учун у саккиз йилга қамалди. Аммо кўп ўтмай Лоуни афв этиб, озод қилишиди.

Шундан сўнг Жон Ватанини тарк этиб, пул кредитларни қўлга киритиш учун бошқа мамлакатлар сари йўл олди. У ўша пайтлари банк ишининг йирик маркази бўлган Италияга келди.

Сафари қариб Шотландияга қайтгач эса молия ва

банки ишига бағишлиган иккита китоб ёзди. Уларда ҳар қандай давлат ва ҳалқнинг асосий сармояси пул маблағларидир, шунинг учун барча кучни сармояни кўпайтиришга йўналтириш керак, деган ғояни илгари сурди. Лоу биринчи бўлиб қимматбаҳо металл пулларни қофз пулларга алмаштиришни таклиф этди. Аммо бу

лоу кашфиётларининг мөҳияти, юкорида айтганимиздек, қимматбаҳо металлар, пулларни банк билетларига алмаштиришдан иборат эди. Аммо оддий қофз пуллар фуқароларнинг ишончини қозониши учун молиявий жихатдан бақувват корхона уларни кафолатлаши керак эди.

Лоу ана шундай корхона – банк ташкил этди. Бу ишда, шунингдек, Франциянинг яна кўплаб нуғузли кишилари иштирок этишиди. Кўп ўтмай ҳамма бадавлат француздар янги банк чиқарган билетларни сотиб ола бошлади. Бунга молиявий корхона раҳбарларининг мижозлар ишаган пайтда қофз пуллар тилла ва кумушга алмаштириб берилади дея ишонтиргани сабаб бўлганди. Лоу банк билетлари келажакда ҳақиқий (металл) пуллар билан бир хил қиймат касб этади, ўшанда улар ҳисобидан

акцияни факат банк билетига сотиб олиш мумкин эди. Натижада бойлар ўзларини тўплаган бойликни банкка топшириб, эвазига қофз пул, сўнг унинг ёрдамида акция олиш бўйича гўё мусобақа ўйнай бошлади.

1718 йилда Жон Лоу таъсис этган муассаса давлат банкига айлантирилди. Аммо у бошлаган ҳамма ишлар ҳам бароридан келавермаган. Айнан молия тизимида йўл кўйилган жиддий камчиликлар туфайли кейинчалик банк иши, шундай қудратли мамлакатнинг иқтисоди издан чиқди. Масалан, кўп миқдорда акциялар чиқарилгани ана шундай хатолардан бири эди. Акцияларни сотиб олиш учун одамларда қофз пул қолмаганида Лоу қўшимча банк билетлари босиб чиқариша бўйруқ берди. Оқибатда бу пулнинг қадрсизланишига олиб келди.

1718 йилда олтин саноатчиларидан бири Парижга Луизианада тилла кони топилгани ҳақида хабар келтириди. Шундан сўнг бу конни Хинд компанияси гўё 25 миллион ливр ҳисобидан уч миллиард банкнот чиқарилгани учун банк раҳбарияти мижозларга керакли миқдорда нақд металл пул топиб беролмади. Шундай қилиб, Лоунинг молиявий тизими ўзининг ночор, номукаммаллигини кўрсатди. Тез орада


Кейинроқ у яна Парижга қайтишга, регент Филипп Орлеанский билан учрашишга



# BOYLALAR SAHIFASI



## PAHLAVON KICHKINTOYLAR




Aziz bolajonlar! Ko'pchililingiz "Meshpolvon", "Kachal polvon", "No'xot polvon" kabi ertaklarni o'qigansiz, albatta. Ehtimol ularning kuch-qudratiga havas ham qilgandirsiz. Biroq hayotda ham gohida ana shunday pahlavonlar uchrab turadi. Rossiyaning Qabardin-Bolqor respublikasida dunyoga kelgan Jambulat Xatoxov uch yoshligida 44 kilogramm og'irlikka ega bo'lgan. U boshqa go'daklar kabi me'yoriy vaznda tug'ilgan. Lekin juda tez o'sa boshlagan. Balki ovqatni ko'p yegan dersiz. Yo'q, bolalar boqchasi da tengdoshlari qatori bo'tqa, pechenye, sut, shirinliklar iste'mol qilgan.

Onasi o'g'lining bu darajada tez o'sayotganidan hayratga tushib, shifokorlarga murojaat etgan. Do'xtirlar tekshirib ko'rib, mutlaqo sog'lom ekanligini aytishgan. Jambulat sport mакtabida 16 kilogrammlı ikkita toshni ko'tarib, hammani qoyil qoldirgan. Onasi uni "Plataning rekordlar kitobi" nashriyotiga olib boradi. Jambulatni "Jahonning eng ulkan bolakayi" deb qayd etib, unga diplom va medal berishdi.




**Tbilisi shahrida yashovchi pahlavon Luka Meleksishvili esa hali ikki yoshga to'lgani yo'q. Biroq og'irligi o'ttiz kiloga yaqinlashib qolgan. U ham tez rivojlanib, har oyda ikki kilodan semirib borgan.**



**Qadrli bolalar! Quyida berilgan jadvaldan dunyo mamlakatlariining poytaxtlarini toping.**

|   |   |   |   |    |    |   |   |   |   |
|---|---|---|---|----|----|---|---|---|---|
| A | B | A | P | T  | N  | G | T | R | T |
| N | U | D | E | Sh | I  | N | O | A | A |
| Q | A | R | V | A  | Sh | J | A | K | B |
| L | B | A | B | I  | S  | L | U | K | O |
| O | R | A | U | P  | I  | O | B | O | D |
| N | I | T | K | A  | O  | M | O | N | E |
| D | S | L | A | R  | D  | E | J | A | Y |
| O | N | A | V | E  | O  | T | T | O | R |
| T | A | K | T | S  | A  | V | A | I | S |
| M | A | H | D | U  | T  | B | I | L | I |

O'TGAN SONDA BERILGAN BOSHQOTIRMANING JAVOBЛАРИ  
Achambiti. Dalachoy. Isiriq. Ravoch. Ismalloq. Qariqiz. Qiyoq. Bodiyon. Bargizo't. Otqulooq. Yalpiz.



### TOPISHMOQLAR

O'yib oldim izi yo'q

\*\*\*

Asaldan shirin, zahardan achchiq.

\*\*\*

O'zi yoq, ovozi bor.

\*\*\*

Bossang bosilmaydi,  
chopsang chopilmaydi.

\*\*\*

O'zi bitta, ko'zi mingta.

\*\*\*

Har bir ishni besh o'rtoq,  
Bajarar ahil, inoq.

\*\*\*

SUV. So'z. Momadaldiroq. Soy'a. Elak. Barmodlar.

### DONO BOBO O'GITLARI

Aziz bolalarim! Yashayotgan jamiyatimizda har bir shining o'z o'rni bor. Jamiatdan yaxshi o'r'in olib, hurmat-e'tiborga loyiq bo'lishni istagan kishi, boshqalarga nafi tegadigan, undan manfaat ko'radigan bo'lishi lozim. Buning uchun esa ilm egallab, biror kasb-hunarning egasi bo'lmоq kerak. Kimki, ilmsiz, hunarsiz bo'lsa, tanbal bo'lib qoladi. Jamiatda bunday kishilar elning nazaridan qolib, hurmat-e'tibordan benasib bo'ladi.

### RASMLARDAGI O'N IKKITA FARQNI TOPING



## ДУШАНБА, 16

## ТЕЛЕДАСТУРЛАР



## Ўзбекистон телеканали

6.00 "Ассалом, ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Таҳлилнома".  
8.45, 17.55 ТВ маркет  
8.50 "Кусто командасининг сув ости сарузаштлари".  
Хужжатли телесериал.  
9.40 "Софлом она - соглом бола".  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.  
Ези таътил кунларида:  
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.  
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпаниси камер оркестрининг концерти.  
11.55, 12.25 ТВ анонс.  
12.05 "Рангин дунё".  
12.25, 13.50 ТВ клип.  
12.35 "Тағсилот".  
12.55 "Дастурхон атрофидаги".  
13.05 "Яхши, ёмон йигитлар". Телесериал.  
14.10 "Шахсий фикр".  
14.40 "Шарқ тароналари".  
15.00 "Кишишоқ ҳәти".  
15.20 "Киронлинг дилхуши".  
Телеспектакль.  
"Болалар сайёраси":  
16.55 1. "Фаройбентга сайди".

## Ёшлар телеканали

15.55 Кўрсатувлар дастури  
16.00 "Давр" ҳафта ичидага  
16.30 "Янги авлод" по-часи  
16.50 Украина киноси ҳафталиги: "Кечиролсанг, кечир мени". Бадиий фильм  
18.10 Ёшлар овози  
18.30 Тафаккур ёлқинлари  
18.45 ТВ-афиша  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.00, 22.00 Давр  
19.35 "Давр" - репортаж  
19.45 "Нихол - 2004" мукофотига номзодлар

19.55 Қишлоқдаги тенгдошим  
20.15 "Мехр кўзда". Мактубларга шарҳ  
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.40 "Ёлғон асираси" Телесериал  
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. "Бунёдкорлик" туркумидан "Ўзбекистон-куришлар мамлакати". Видеофильм  
21.50 Олтин мерос  
22.40 ТВ-анонс  
22.45 "Тўртичин доира-даги бир кечаси". Бадиий фильм  
23.55-0.00 Хайрли тун.

## Sport телеканали

7.30 "Хабарлар".  
7.45 "Бардам бўлинг".  
Тонгти дам олиш дастури.  
8.45 "Хабарлар". (Рус тилида).  
9.00 "Орзудаги жамоа". Сериал.  
9.25-12.25 "XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари". \*\*\*  
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 "Хабарлар" (рус тилида).  
17.15 "Спорт антракт".  
  
Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ  
17.20 Хужжатли фильм.

18.10 "Клон". Сериал.  
19.10 "Мени кутгил".  
20.00 "Время".

"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ  
20.30 "Болалар спорти".  
20.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. "Спортивиз маликалари". Саида Бурхонхўжаева.  
21.00 "Хабарлар".  
21.15 "3-тайм".  
21.35 "XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари".  
23.05 Еврофутбол. "Челси" - "Манчестер Юнайтед".  
00.40 "Тунингиз осуда бўлсин!".

## Тошкент телеканали

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.10 "Оззи Озон". Мультфильм.  
17.20 ТТВда сериал: "Луиза Фернанда".  
17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".  
17.55 "Хориж хабарлари".  
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.  
18.15 "Халқ саломатлиги йўлида".  
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 "Пойтакт" ахборот дастури.  
18.50 "Табриклиймиз-кутлаймиз".  
19.20 ТТВда сериал: "Муҳабат тархи".  
20.20 "Муруват".  
21.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бакадам".  
21.55 "Ёшлар даврасида".  
22.15 Кинонигоҳ. "Уй камоги".  
00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим!

16.55 гача профилактика ишлари  
16.55 Открытие программы  
17.00 "Теле-хамкор"  
17.30 "Детский час"  
17.50 Киновечер на "30-м": "Пауки", триллер  
19.20 "Мангуст", сериал  
20.10 "Ошикона", мусикий дастури  
Эрта тонгда хотиржам ишга келишингиз, баракали меҳнат қилишингиз, ишдан сўнг оила, фарзандларингиз бағрига ошикишингиз, хамма-ҳаммаси биргина ана шу сўзга, шу сўзниг тўлақонли ифодасига боғлиқ.

Теварак-атрофингизга аста разм солинг. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида миллати, динидан қатъи назар, ватандошларимиз тинчлик ташвиши билан бандлар. Улар хотиржам ишлайтилар, етук, баркамол инсон бўлиши учун ўқиб билим оляптилар. Бунинг учун юртимизда шароитлар мухайё. Ватан қалқонлари, осойишталик посбонлари ўз постларида хушёр туришибди. Улар ҳалқи, Ватани учун ўз жонини фидо қилмоқдалар. Посбонини йиқитиб, ҳалқини муте қиласман, деганларнинг хом хаёлларини пучга чиқаришмоқда. Лекин тинчликни, хотиржамликни, осойишталики фақатгина ички ишлар ходимларининг кучи, ҳаракати билан асрар бўлмайди. Бу ишга барча бирдек ёғдошиши, курашиши керак.


Тинчликни таъминлаш, унинг учун курашишининг йўллари кўп. Шулардан бирни маҳалламиз, хонадонимиз саришталиги, кўчаларимиз ободлигидир.

Республика ИИВ маҳсус хизмати вакилларидан ташкил топган гурӯх Тошкент шаҳри кўчалари, маҳаллалар, кўп қаватли уйларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида туманларни йўланиб чиқди. Кўриб кўз қувонадиган, кўпчиликка ибрат қилиб қурсатса арзидиган, милиция билан ҳалқнинг ўзаро ҳамкорлигини яқъол намоён этаётган маҳаллалар борлиги фаҳриди.

Президентимизнинг маҳсус Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида қайта шаклланган профилактика хизмати нафақат ички ишлар идоралари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам таянчига айланди. Ушбу соҳанинг ривожи жиноятлар сонининг тобора камайиб, маҳаллалар осоийишталиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, жиноятчиликка қарши кураш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, оилалар-

# ОСОЙИШТАЛИК ҲОВЛИДАН БОШЛАНАДИ



да бўлиб турадиган низоларни бартараф этиш, тарбияси оғир ўсмирлар билан иш олиб боришда профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фуқаролар йигинлари раислари, яраштириш комиссияси аъзолари баҳамжихат иш олиб боришмоқда. Ана шундай масканлардан бирни Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалладир. Бу ергага инсонларнинг тотувлиги, осоийишталиги, саришталигини кўриб ҳавас қиласиз.

мов туманида жойлашган Беруний маҳалласидир. Бу ерда асосан эътибор ёшлар ва болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган. Шу мақсадда болалар майдончаси, жажигина ҳайвонот бояни ташкил этилган.

— Маҳалламиз аҳли аҳил. Бир ойда 3-4 марта ҳашар ўюнтириб, уйлар атрофи тозаланади. Футбол жамоамиз фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларро тез-тез мусобақалар ўтказиб турдимиш. Худудда

Улуғбек туманидаги "Олимлар" маҳалласидаги 5,7-кўпқаватли уйлар атрофи аҳоли томонидан чиқиндилар билан тўлдириб ташланган. Бунга на маҳалла фуқаролар йигини, на аҳоли эътибор берадиги.

Ҳамза тумани ҳудудида фуқароларимиз паспорт қоидаларига қандай риоя қилаётгандиклари текширилганда айрим кўпол қонунбурзилар содир этилаётгандигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, туманинг "Фарго-

билан ёнма-ён жойлашган 1-а уйда ҳам мавжудлиги аниқланди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, маҳалла фуқаролар йигини раиси, фаоллар бу ҳолатдан наҳотки бехабар бўлсалар?

Ўзини, ўз уйини асрашга масъул бўлган инсонларнинг иш фаолиятига ким, қачон ва қандай баҳо беради?

Юнусобод тумани "Наврӯз" маҳалласи ҳудудида жойлашган 34-йўнинг 10-хонадони текширилганда вақтнинчалик рўйхатдан ўтмаган, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманилик уч фуқаро яшаётгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, Мансурхўжаев номли маҳалланинг Шаҳристон кўчасидаги 3-а уйнинг ертўла ва чордоқ эшикли, "Уч қаҳрамон" маҳалласидаги 9 қаватли 16 ва 15-а уйлар ертўлаларининг эшикли қулфланмаганилиги аниқланди. Яқингинада бўлиб ўтган аянчили воқеалардан тегиши соҳа ходимлари ўзларига ҳулоса чиқармаганлар шекилли.

Шу билан бир қаторда 15-а уйнинг 56-хонадони бутунлай ташланди ҳолатда. Бу қаровсиз уйда номаълум шахслар яшаётган экан. Акмал Икромов тумани "Катта қаъни" маҳалласи Фозил тепа кўчаси 2-уидаги яшовчи Юсуфбек Ҳакимбековнинг хонадонида ёлланиб ишләётган Қашқадарёлик тўрт ўспирин хамкишлени билан вақтнинчалик рўйхатдан ўтмагани ойдинлашиди.

Огохлик, ҳушёрлик, ўзи ва ўзгаларнинг



Биз бу гўшага соат 22.00ларда бордик. Вакт кеч бўлишига қарамай маҳалла гузарида ोдамлар гавжум. Профилактика инспектори ва маҳалла оқсоқоли Собир ака Комилов тунги гурӯх аъзоларига навбатдаги ишлар бўйича йўриқнома беришаётган экан.

Тартиб-интизомли маҳаллалар қаторида ибрат қилиб қурсатса арзидиган кўп қаватли уйлардан иборат гўшалар ҳам мавжуд. Шулардан бирни Собир Раҳи-

кичинагина ҳайвонот бояни, болалар ўйингоҳи бор. Буларни маҳалласиз фуқароси Абдулла Охунжонов бош-көш бўлиб ташкил қилган, — дейди маҳалла оқсоқоли Одилжон Низомов.

Обод маҳаллалар билан бир қаторда умуман эътиборсиз ҳолда ташлаб кўйилган, тартибсизлик хукмрон бўлган масканлар, кўп қаватли уйлар, кўчалар ҳам учрайдики, бундай салбий ҳолат кишини ташвишга солади. Жумладан, Мирзо

на йўли" кўчасидаги 9-ий, 36-хонадонга ташриф буорганимизда, бу ерда Республика милициянинг турли вилоятларидан келиб, марди-корчилек қилаётган, Кўйлик бозорида савдо-сотиқ билан шугуланаётган 15 нафар фуқаро паспорт қоидаларини бузган ҳолда, вақтнинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаётгандигини аниқланди. Улар ҳатто хонадон эгаси кимлигини ҳам айтиб бера олишмади. Бундай ҳолат ушбу уй

ҳаётини асраш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирни ҳисобланади. Чунки, ҳалқимизнинг тинчтотув, фаровон ҳаётини кўра олмайдиган, фақат ўз манфаатини ўйлаб, гараз ниятларини амалга оширишга ҳаракат килаётган турли диний-экстримистик оқимларга мансуб террорчи гурухлар осуда ҳаётимиз, яратувчанлик фаолиятимизни издан чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Юқоридаги каби салбий ҳолатлар эса уларга жуда қўл келади. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унумаслиги шарт. Буни терорчи-кўпурувчилар хуржидан ҳалок бўлган бегуноҳ инсонлар, хизмат вазифасини бажариш вақтида мардларча ҳалок бўлган Ватан посбонлари яхши билишар эди. Уларнинг увол кетган умрлари ҳақиқи-хурмати учун ҳам биз, ҳозирги фаровон ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлаётган инсонлар буни унумаслигимиз, аксинча, бундай иллатларга қарши курашишимиз керак. Лекин минг бора афсуслар бўлсинги, айрим фуқароларимиз буни ёдларидан чиқариб кўйишмоқда.

Республика ИИВ раҳбарияти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов томонидан тасдиқланган маҳсус режага асосан Тошкент шаҳри ҳудудида ҳукуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлалинига қарши қаршилинига ҳаракат сардорлари, профилактика инспекторлари ҳамда мутасадди раҳбарлар билан жойларда "Хушёрлик, огох бўлиб яшаш бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши зарур" мавзууда йиғилишлар бўлиб ўтаяпти.

Хулоса шуки, ички ишлар идораларининг барча соҳа ходимлари юртимизда тинчлик, кўчаларимизда осоийишталик, хонадонларимизда осудалик бўлиши учун бор куч ва маҳоратларини ишга солишмоқда. Ўз ўринда тинчликсевар ҳалқимиз ҳам осоийишталик посбонларига ҳар томонламида кўмаклашапти. Зоро, шу юрт фарзандиман, шу юрт посбониман деган ҳар бир инсоннинг мақсади битта — у ҳам бўлса тинчлик ва осоийишталикларидир.

**Абдулжаббор АБДУНАБИЕВ,**  
ИИВ ҲООБ бўлим бошлиги,  
милиция подполковники.  
**Суратларда: тадбирдан лавҳалар.**  
**Феруза САДУЛЛАЕВА**  
олган суратлар.

## Хизматларда

## ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Қашқадарё вилояти Касби тумани ИИБ ЁХБ бўлинмаси бошлиғи, ички хизмат майори Умиджон Фозиев раҳбарлик қилаётган жамоада ёнгинларнинг олдини олиш, юз берган оғатларни тезда бартараф этиш, ходимларнинг касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш, вазифага, бурчга масъулият билан ёндошув, эл хизматига камарбасталик муваффақиятлар омили бўлаётир.

Умиджон Фозиев ёшлигидәёк бу касбни таҳлагани бежиз эмас. Маҳалласида содир бўлган ёнгинни ўчириш учун чинқиригидан қишлоқни ларзага солиб келган ўт ўчирувчилар машинаси ва ундан тушган кишилар матонати Умиджоннинг ёш қалбини бир умрга ром этган эди. Сув сепиб ёнгинни ўчириган, чапдаст, чақон, мард йигитлар олов ва тути орасидан икки норасида гўдакни соғ-омон кутқарганиклари унинг кўз ўнгидан кетмасди.

Болаликдаги орзу-ҳавас унинг келгуси ҳаёт йўлини белгилади. У Самарқанд архитектура-муҳандислик институти ва Тошкент ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабини битириб, ички ишлар идораларига ишга кирганига ҳам ўн йилдан ошиди. Дастрслаб вилоят ИИБ ЁХБда муҳандис, кейинчалик Миришкор туманинда, айни вақтда эса Касби тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи лавозимида хизмат қўлмоқда.

Яқинда тумандаги хонадонлардан бирида содир бўлган ёнгинни ўчиришда Умид Фозиев бошлиқ ўт ўчирувчилар гурухи

аъзолари чинакам матонат кўрсатдилар. Тун ярмидан оқсанда электр симларининг қисқа тулашувидан келиб чиқсан фалокат оқибатида бутун хонадон аланга ичидаги қолганди. Машина устига тушган учкунлар уни темир кутига айлантирган эди. Хонадон эгаларининг ҳаётлари хавф остидалигини инобатга олган кутқарув гурухи аъзолари тезкор ва аник ҳаракатлар билан икки қизалоқ ва ўй бекасини соғ-омон оловдан кутқарип олдилар. Ёнгин қисқа муддатда бартараф этилди.

У. Фозиев ёнгинни бартараф этишда чинакам маҳорат кўрсатган гурух аъзолари Абдухалил Хотамов, Рустам Норбоев, Комил Тўраев, Саноқул Бозоров, ва Ойбек Аллаёрвларга ташаккур билдириди. Жамоа иш фаолиятида бўндан мисоллар талайгина.

Туманда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга катта ётибор берилмоқда. Хонадон, маҳалла, корхона, ташкилот, муассасаларда бўлиб, ёнгин хавфининг олдини олиш бўйича тушунтириш ва назорат

ишлари олиб борилмоқда. Ўта муҳим ва тоифаланган иншоотлар, ёнгин хавфи юқори бўлган жойларда назорат кучайтирилган. Ёш болалар билан боғлиқ ёнгинлар келиб чиқмаслиги учун профилактика ва назорат тадбирлари ўтказилгани. Бу эса туманда ёнгиннинг камайшига олиб келмоқда.

Кадрларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш домий назоратда. Ўқувамалиёт машқлари ўт ўчирувчиларнинг чинакам маҳорат мактабига айланган. Хизмат шароитлари яхшиланеётир.

Ёнгиннинг олдини олиш – фоят муҳим иш. Бунда астайдил хизмат килаётганлардан бири – Нурилла Дониёров вилоядта энг яхши ёнгин назоратчиси деб топилди. Ички хизмат лейтенанти Б. Собиров, ички хизмат катта лейтенанти С. Усмонов 9-сонли касбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бошлиғининг ўринбосари А. Абдураҳмоновлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Сафар ОМОНТУРДИЕВ.



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманинда генерал-майори Комилжон Фофуров номли маҳаллада уч ярим мингдан ортиқ аҳоли истикомат қиласи. Ички ишлар ходимлари билан маҳалла фаолларининг ҳамкорликда олиб бораётган ҳаракатлари боис ҳудудга жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайди.

Суратда: профилактика катта инспектори, милиция капитани Икром Жўраев, маҳалла фаоли Асқар Комилов ва маҳалла посбони Самандар Жўраевлар навбатдаги режаларни муҳокама қилишлатти.

Абубакир КЕНЖАЕВ олган сурат.

## «Қорадори – 2004»

## ГУЛ УРУФИ

Навоий вилояти Нурота туманинлик 71 ёшли Эргаш бобо томорқасида етиштирган 1000 туп кўкнорни ўриб, чордогига яшириб қўйган экан.

– Вертолёт овозини ёшишиб шу ерга беркитган эдим, – деди у ноилож айбини бўйнига олиб.

Навоий вилояти Кизилтепа туманинлик Шарифа ая томорқада ўсиб ётган 850 туп кўкнорнинг устига кўздан пана бўлсин учун хас-харакат ёпиб кўйибди.

– Онахон, ўзингиз муаллималиқдан пенсиягча чиқсан экансиз. Табаррук ёшга етганда бошқаларга панду насиҳат қилиш ўрнига бу ишингиз нимаси? – деб сўраганимизда Шарифа ая шундай жавоб берди:

– Менга бу зормандани бозорда гул уруғи деб сотишганди. Экканимда шу ўлгур ўсиб чиқди.

Ховлини кўздан кечирганимизда, омборхона девори ёриғидан ҳам латтага ўралган “гул уруғи” чиққанда аёл бош эгиг қолди.

Анвар ДАВЛАТОВ,  
милиция майори.

## НОНКЎРЛИК

Камол илгари судланган бўлишига қарамай ўзиға тўғри хулоса чиқармади. Амнистия кўлланаб, муддатидан аввал озодликка чиқсан уни хайрли ишларга бошлаши, эркинликнинг қадрига етишга ундаши керак эди. У эса ўзиға берилиган бу имкониятни сунистеъмол қилди. Унинг тўғри йўлга кирганига ишониб ишга олган Тошкент заргарлик заводи раҳбариятини ҳам дода қолдириди.

Камол заводда таъмирловчи бўлиб ишларкан бу ердаги тақинчоқларни қандай ўмариси ҳақида ўйлай бошлади. Ниҳоят гараж мудири Нурилла билан тил топишиди. Иккиси пайт пойлаб тилла буюмларни яширин йўллар билан корхона ташқарисига олиб чиқишига киришишиди. Ҳадемай ўғирлик моллар уч юз граммга етиб қолди. Ҳаридор ҳам ўз оёғи билан келиб қолди. Улар ўғирланган тилла буюмларни 1.700 АҚШ доллари, ҳамда 1.500.000 сўмга сотаётган вақтда республика ИИБ ЖҚ ва ТҚҚББ ходимлари томонидан кўлга олиндилар.

Мухаббат ИБРАГИМОВА.

## Фахрийлар – фахримиз

## КУЧ ҲАМ, ИРОДА ҲАМ ЕТАРЛИ

Катта тезлиқда келаётган “Жигули” автомашинаси хизмат вазифасини ўтаётган ЙПХ инспекторларининг ётибордини тортиди. Улардан бири ҳайдовчига машинани тўхтатиш ишорасини қилди. Ҳайдовчи негадир инспекторлар турган жойдан анча нарига ўтиб, тўхтади. ЙПХ инспекторлари, милиция старшинаси Ражаббой Раҳмонов машина ёнига етиб борганда орқа ўринидикда ўтирган йўловчи безовтала на бошлади. Буни сезган Ражаббой ҳайдовчига юзланаби:

– Тақдирга тан беравер. Ҳаммасидан ҳар баримиз бор, – деди.

– Тасодифан бу ишга аралашиб қол-

дим, – асабий ҳолда гап бошлади ҳайдовчи. – Қачондир қўлга тушишимни билардим.

Ҳайдовчи орқа ўринидикдаги йўловчига бир ўқрайиб қаради-да, оёғи остидан бир ўрам нарсани олиб, ЙПХ инспекторларига узатди. Кейинчалик текширувда бу 800 гр. қорадори бўлиб чиқди.

Ражаббой ака билан сұхбатда унинг хизмат фаолияти давомида бундай воқеалар кўп учраганига амин бўлдик.

Қўқондаги автомобиль ва йўллар билим юртини мувоффақиятли тамомлаган Ражаббой бир неча йил ҳайдовчи бўлиб ишлади.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, Ражаббой ота-

ни таъминлаш, содир бўлган жиноятлар тезкорлик билан фош этилишида фаол иштирок этарди. Таъминот бўлинмасда ишлагандা бошқарма биносини таъмирлаш, Саримой ҳамда Хива ЙПХ масканлари биноларининг курилишида жонбозлик кўрсатди. Тиниб-тинчимас бу инсон нафақа-

таъминланган оила-ларга моддий ва маънавий ёрдам бериб келмоқда.

Ражаббой аканинг ўғли Кувондиқ ҳамда қизи Кувонч ўқитувчи. Кудрат эса Урганч Давлат университетида таҳсил олмоқда.

– Бекорчилик кексаларга ҳос эмас, – дейди истеъфодаги мили-

ция катта лейтенанти Раҷаббой ака Раҳмонов. – Шунинг учун кўл қовуштириб ўтиrol-майман. Ҳали қиладиган ишларим кўп. Жамиятда ҳар бир кишининг ўз ўрни бор. Шундай экан, мустақил давлатимиз равнақи, юрт фарононлиги учун гайрат-шилоат кўрсатишимишиз керак.

Ражаббой акада ҳайрли ишларни амалга оширишда куч ҳам, ирова ҳам етарли. Биз бунга тўлиқ амин бўлдик.

Худойберган ЖАББОРОВ.

СУРАТДА: истеъфодаги милиция катта лейтенанти Раҷаббой Раҳмонов оила аъзолари даврасида.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.



онасиға милицияда ишлаш орзусини билдириди. Раҳимбай ота ва Гулжон момолар унга оқ фотиҳа беришиди.

1980 йили Раҷаббой Раҳмонов вилоят ИИБ ДАНБга ишга қабул килинди. У қайси лавозимда ишламасин ҳар бир топширикни сид-қидилдан бажаарарди. Ҳаракат хавфсизлиги-

## Унтилмас сиймолар

Шундай одамлар борки, улар қисқа умр кўрсалар-да, ўзларидан ўчмас из, яхши ном қолдириб кетадилар. Ана шундай инсонлардан бири Ҳасан Йўлдошев эси. У телеминиатюралар театрида ўзига хос мактаб яратди, десак муболага бўлмас. Ҳасан ака ижросидаги ҳар бир образ томошибинлар қалбидан жой олган. Афсуски, бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди. Бугун у киши ҳаёт бўлганларида 68 ёшни қаршилаган бўлардилар...

Биз Ҳасан Йўлдошевнинг рафиқаси Нурхон опа, шунингдек, Роза опа ва Эргаш ака Каримов, Хайрулла Саъдиев билан атоқли санъаткорни бир дам хотирладик.



# САНЪАТИМИЗ ДАРФАСИ

## «ЭНГ КЕЛИШГАН ЭРКАК»

(Нурхон опа хотиралари)

— Мен Ҳасан ака билан талабалик йилларида танишганман. Тўйимиз 1958 йилнинг 4 августида бўлган. У киши жуда меҳрибон, оққўнгил, самимий ва энг муҳими, эл ардоғидаги инсон бўлган. Кўлларидан келганча ҳамма га яхшилик қиласа эдилар.

Умримнинг энг ширин ва баҳтили онлари Ҳасан ака билан бирга кечган, деб била-ман. Ўзингизга маълум, Ҳасан ака келишган ва савлатли бўлганлар. Ҳали-ҳали кечагидек эсимда. Днепр бўйлаб теплоходда дам олгани кетаётган пайтимида “Энг келишган эрқак” танлови ўтказилаётган экан. Ташкилотчилар бирданига Ҳасан аканиғолиб деб топган. Ҳасан ака ўшанда ўзбекча латифаларни русчага ўгириб айтиб кулдириб, ҳаммани хурсанд қилганлар. Яна бир воқеа. Чортоқда дам оляпмиз. Шунда Тошкентдан бир гуруҳ актёрлар томоша кўрсатгани келишиди. Улар орасида Хайрулла Саъдиев ҳам бор эди. Ҳасан аканинг тўғрилигини қаранг-да, ўша томошага бепул ҳам киришимиз мумкин эди. Йўқ, иккита чипта олдик. Томоша бошланди. Барibir Ҳасан акага муҳлисларнинг

кўзи тушган эмасми, сиз ҳам саҳнага чиқинг, деб қўймай таклифлар туша бошлади. Шунда Ҳасан акам: “Барака топтур яхшилар, мен ҳам сиз каби дам олгани келдим. Мана чиптам. Бугун бир томоша кўрай мен ҳам”, — дедилар. Йўқ бўлмади. Саҳнадаги актёрлар ҳам илтимос қилиб барibir саҳнага олиб чиқишиди.

Ҳасан ака оилапарвар, фарзандларига меҳрибон ота эдилар. Оғир касал бўлганларини мендан яширишга ҳаракат қиласидилар. Таниш-билишларга “Нурхон билмасин касалимни, билса сиқилади”, дер эканлар. Касаллик барibir ўз кучини кўрсатди. 1986 йил 27 июнда оғир касаллик Ҳасан аканни орамиздан олиб кетди. Вафотларидан сўнг “Ҳасан Йўлдошев “Пахтаой” дастасидаги қизи авиа-ҳалокатга учрагандан сўнг, сиқилиб вафот этибди” деган гаплар ҳам бўлди. Йўқ, бу мишиши, холос. Қизим ҳеч қандай “Пахтаой” дастасига қатнашмаган. Аллоҳга шукур, фарзандларим соғ-саломат. Лекин қариганда эрхотин бир-бирига суюниб қоларкан. Фарзандларимизнингроҳатини кўриб, набиралар қуршовида ўтирадиган пайт келганда Ҳасан аканинг орамизда йўклигидан хафа бўлиб кетаман. Уларнинг ўринлари ҳали-ҳали

билинади. Кўчадан набиралирим “Бувижон, биздан кимнинг набирасисан? деб сўрашиди. Биз “Ҳасан Йўлдошевнинг набираларимиз”, деб жавоб берсак, “Вой, шундай машҳур инсоннинг набирасимисизлар!” дея бизни, бувамизни дуо қилиши”, деб келишса хурсанд бўлиб кетаман. Куни кеча катта набиримиз фарзандли бўлди. Демак, Ҳасан аканинг зурриёди яна биттага кўпайди.

## СОЧ ЎСТИРУВЧИ УСТА

(Эргаш Каримов хотиралари)

— Ҳасан билан мен болаликдан дўст эдик. Мактабни бирга тутатиб, хужжатларимизни санъат олийгоҳига топширдик. 1954 йилдан талабалик йилларимиз бошланди. Иккимиз ниҳоятда аҳил эдик. Ҳасан тиришқок, бир ишни бошладими, охирiga етказадиган истеъоддли йигит эди. 1958 йилда ўқишни тутатдик. Ниятимиз Хамза театрига ишга кириш эди. Афсуски, бизга Термизга йўлланма беришиди. Ўша пайтлари ўқишини битиргач, иккى йил вилоятларда ишлаб келгачгина диплом бериларди. Шу тариқа иккى йил ортда қолди. Ҳасан диплом олгач Тошкент маданий-оқар-

туб техникумiga ўқитувчи бўлиб ишга жойлашиди. Мен эса телевидениега. Ўша вақтлар телеминиатюралар театри энди шакланаётган вақтлар эди. Мен Ҳасанни ҳам телевидениега таклиф қилдим. Орадан 5-6 йил ўтиб, телеминиатюралар театрига режиссёр ассистенти бўлиб ишга келди. Шу билан бирга роллар ҳам ижро эта бошлади. Бу орада “Табассум” радиожурналига ҳам қатнашиб юрдик. Унинг ҳаётида муҳим ўрин

тутган нарса Эргаш Раимов, Элбек Мусаев ва Алл Жамол билан биргаликда ёзилган “Ёз кунларининг бирида” миниатюрасидир. Сценарий бўйича актёрлар ўз номлари билан қолганлар. Ҳасан ана шу видеофильмда ўз ролини қойилмақом қилиб ижро этган. Раҳматли Воҳид Кодировнинг бошига “сочингиз ўсади” деб чеъл кийдириб кўядиган саҳна бор. Кўпчилик буни бачканаликка йўйиши мумкин эди. Ҳасан Йўлдошев самимий қарашлари, образга жиддий ёндашуви билан бу “бачкан”ликни кулгили ҳолатга келтира олган. Ҳасан ижросидаги ҳар бир роль телевидение олтин фондидага сақланяпти. У асарни ўқиб чиқиб, ёқмаган жойларини дангал адаб ёки режиссёрга айтиб, ўзига, табииатига мослаштириб оларди. Шунинг учун ҳам унинг роллари табиий чиқиб, томошибинлар қалбидан муносиб жой олган.

## «БУЮК АКТЁРНИ УРГАНМАН»

(Роза Каримова хотиралари)

— Ҳасан аканинг ҳар бир қилиғи ўзига жуда ярашарди. Гилам дўлпни кийиб, тилини чиқариб кулишларининг ўзи бир олам эди. Расм чизишни ҳам яхши кўради. У том маънодаги ижод кишиси эди. Ёзувчи ва режиссёrlарга ўз фикрини очиқ айта олар ва ўзи хоҳлагандек натижага эришмай қолмасди. Ҳасан акадан кейин бошқалар ҳам бошига гилам дўлпни кийиб, уларга таҳлид қилишди, аммо ўхшамади. Ҳасан Йўлдошев тақрорланмас истеъодд соҳиби эди. Бир-биримизга ҳеч қаттиқ гапирмаганмиз. Бир куни бир образ устида ишлаб кетаётган эдик Мен у кишига тарсаки туширишим керак. Лекин ҳеч қаттиқ уролмайман. Эргаш акам: “Буни ижод дейдилар, қаттиқ уравер, ҳеч нима қилмайди”, — дедилар. Шу гапдан сўнг мен Ҳасан акани қаттиқ уриб юборибман. Анча вақтгача кўзларига

кўринмай юрдим. Мана шунақа гаплар. Илоҳим, бу инсоннинг руҳлари шод бўлсин.

## «МЕНИ ЭСА УРАРДИЛАР»

(Хайрулла Саъдиев хотиралари)

— Мен Ҳасан ака билан кўпинча ота-ўғил ролини ўйнардим. Ҳасан ака сценарийни ўқиб “Хайрулла, кел, мана буни машқ қилиб кўрамиз” дердилар. Роль ижро этаётганимизда бошимга “тарс” этиб тушириб қолардилар. Мен “нега урасиз?” десам, “қизик-да” деб қўлларини бир-бирига “қарс” этиб уриб, тилларини чиқариб кулиб қўярдилар.


Ижодимнинг энг гуллаб-яшнаган палласи Ҳасан ака билан ишлаган пайтларим, деб биламан. Улар билан сценарийдан ташқари foя туғилиб қолгудек бўлса яхшилар қалбидан муносиб жой олган.

Ҳалқимиз уни ҳамиша қумсаб, ижодини соғиниб, ардоклаб яшайди. Санъаткор учун тўқис бахт ҳам шу!

Мастура ЮНУСОВА.



## САЛОМАТЛИК САХИФАСИ



# БАРДАМЛИК СИРИ

Бир пайтлар ишхоналарда ишлаб чиқариш гимнастикаси бажарилган. Мактабларда ҳам дарслар бошланышдан олдин эрталабки бадантарбия машгулотлари бажариларди. Аммо кейинги пайтда бунга эътибор берилмай қолди.

Кам ҳаракат қилиш киши соғлиғи учун зиёнлигини мутахассислар тақорор-тақорор таъкидлашалаштирилди. Ички ишлар идоралари тизимида ҳам фаолияти кўпроқ ўтириб ишлаш билан боғлиқ ходимлар бор. Ахборот марказлари, кадрлар бўйлимлари, қолаверса, бошқарув аппаратлари ходимлари шулар жумласига киради.

Улар иш орасида енгил гимнастика машқларига 15-20 дақиқа вақт ажратсалар кифоя. Карабсизки, чарчоқлари тарқаб, ўзларини тетик-бардам ҳис этишади. Машқларни иш куни ўртасида, тушлиқдан олдин ба-

жарис мумкин. Ёки бутун иш куни давомида вақти-вақти билан машқ қилса ҳам бўлади. Масалан, компьютер олдида ўтирганингизда оёкларингизни бир неча бор узатиб-йигиб чигалини ёзинг. Ҳамкасларингиз нафас ростлаш учун ташқарига чиқишганда хонангизда бир неча марта эгилиб-қаддингизни ростланг, ўтириб-туринг. Йўлакка чиқиб у ёк-бу ёқка бориб-келинг, зинадан чиқиб-тушинг.

Айниқса, оёқни асраш, чиникириш керак. Агар хизмат юзасидан кўп тик туришингизга ёки ўтиришингизга тўғри келса, бу қон айланнишига салбий таъсири этади. Оёқ учун энг яхши машқ-юриш. Фурсат, имкон туғилдими йўлак бўйлаб хоҳланг секин, хоҳланг тез-тез юринг. Узоқ вақт бир жойда тикка турганингизда вақти-вақти билан вазнингизни у оёғингиздан бу оёғингизга

солинг. Оёқларни чалиштириб ўтиришдек зарарли одатингиз бўлса ташланг.

Ўтириб ишлайдиганлар исташса-исташмаса гавдадарини олдинга эгишларига тўғри келади. Үмуртқалар майишиб қолмаслиги учун фурсат топиб хона деворига гавдангизни қапишириб сўнг қаддингизни ростланг. 1-2 дақиқа туриб, 7 марта бурун орқали чуқур нафас олиб, оғиз орқали нафас чиқаринг. Шу ҳолатда хона бўйлаб юринг.

Организм кўпинча кислород билан етарли микдорда таъминланмаслиги оқибатида тез чарчайди. Сабаби, кундаклик ҳаётимизда юзаки нафас олишига ўрганиб қолганмиз.

Толиқишини тарқатишнинг энг осон, содда йўлларидан бири чуқур-чуқур нафас олишдир. Ишонч ҳосил қилиш учун бир синаб кўринг.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

- Агар табиий ўзгаришларга таъсиричан бўлсангиз, геомагнит ҳодисалари кучайганда жисмоний фаоллигинизни пайсайтиринг, оғир ақлий меҳнатдан сакланинг. Меъёридан ортиқ овқатланманг, яхшиси кўпроқ суюқлик ичинг, тоза ҳавода сайр қилинг, ухланг.

- Тез-тез апельсин истеъмол қилсангиз юрак-қон томир касалларига чалинишдан саклайди, асаб тизимида ижобий таъсири қилади, жигарни мустаҳкамайди.

- Мигрен (бош оғриғи) хасталигидан азият чекадиганларга мутахассислар нина муолажасини тавсия этишади. Бу усул анъанавий ҳадорилардан кўра кўпроқ наф келтирап экан.

- Диетологлар долчин қандли диабет касаллигининг кечишини енгиллаштиради. Диеган хуносага келишди. Шифокорлар бе-

морларга ҳар куни бир чой қошиқ долчин истеъмол қилишни тавсия этишади. Уни бўтқа, қаҳва, мева шарбатлари ва бошқа таомларга кўшса бўлади.

- Эснашни мажбуран тўтиб туриш зарарли. Бу қадимий инстинкт кишининг руҳий чарчоқларини тарқатиб, бош миянинг кислород билан таъминлашини яхшилайди.

- Худди болакайлардек эмаклаш ҳам жисмоний ҳорғинликдан холос бўлишга ёрдам беради. Бунда ўнг кўл билан чап оёқ ва чап кўл билан ўнг оёқ бир вақтда ҳаркатланади. Хонангиз бўйлаб икки-уч марта айлансангиз, кифоя.

- Анор пўсти қайнатмасини ичишда эҳтиёт бўлинг. Унинг ортиқчаси бошни айлантиради, кишини ҳолсизлантиради, кўзга (кўринишга) салбий таъсири қилиши мумкин.

## ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ

Ёз фаслида ўткир ичак инфекциялари кўп учрайди. Чунки мева-чевалар пишади. Уларни истеъмол қилишдан олдин кўлингизни албатта совунлаб ювиш, меваларни эса қайнаган сувда чайиб, истеъмол қилиш керак. Айниқса, болаларда ўткир ичак инфекцияси оғир ўтади, сабаби, уларнинг организми сувсизланишга чидамсиз бўлади. Болаларни ота-оналари, қариндош-уруғлари назорат қилиб туриши, нима сабабдан ичак инфекциялари пайдо бўлишини уларга яхшилаб тушунишлари керак. Ичак инфекцияси бошланган заҳоти шифокорга мурожаат қилинг. Касалликни ҳар хил микроорганизмлар кўзгатади, у ич суриши, интоксикация, баъзан сувсираш аломати билан намоён бўлади. Ўткир ичак инфекцияси сабаб бўлаётган асосий микроорганизмлар шигеллалар, сальмонеллалар, эшерихиялар, турли вируслардир.

Ўткир ичак инфекциялари билан оғриган бемор, бактерия ташиб юрувчи одам ва ҳайвонлар касаллик манбаи бўлиши мумкин. Овқат билан бирга микроблар одам организмига кириши натижасида вужудга келадиган инфекцияларни овқат токсик инфекциялари деб юритилади. Сальмонеллалар асосан гўшт ва гўшт маҳсулотлари орқали организмга киради.

Озиқ-овқат орқали кирган микроблар мейдадан ингичка ва ўйғон ичакка ўтади. Улар парчаланганида ҳам токсинлар ажралиб чиқади.


Токсинлар ичак шиллиқ пардасини яллиглантиради, бунинг натижасида ичак фаолияти бузилади. Токсин марказий ва вегетатив асаб тизимида таъсири қилиб, уларни издан чиқаради. Бунда сув электролит алмашиниши бузилиб, бемор тез-тез чанқайди.

Ўткир ичак инфекциясига учраган беморларда кўнгил айнаш, қорин оғриқ, кейинроқ ич суриш кузатилади. Ахлат суюқ, сариқ-яшил рангда ва бадбўй бўлади. Қайта-қайта қайт қилиш ва ич суриш натижасида сувсираш ҳолати юз беради.

Ўткир ичак инфекциясини имкон борича барвақт аниқлаб, касаллик бошида одамларга юқмаслик чора-тадбирларини кўриш лозим. Ичи кетган барча беморлар назорат остида бўлиши керак. Озиқ-овқат тайёрланадиган, сақланадиган ва сотиладиган жойларда ишловчилар вақти-вақти билан текшириб турилиши зарур. Ахолини сув билан таъминлайдиган иншоотлар қаттиқ санитария назорати остида бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитлари талабга жавоб берадиган бўлиши мухим. Овқат тайёрлашда гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилиш зарур. Йирингли касаллиги, ангинаси бор одамларга овқат тайёрлаш, сотиш билан боғлиқ ишда ишлашга руҳсат бериш мумкин эмас.

**Гулчехра ШАРОПОВА**  
шифокор.

## АСТМА ХУРУЖИ БОШЛАНСА...



Бронхиал астма хуружига қарши ингаляторлар самарали воитадир. Буни сурункали хасталикка учраган беморлар яхши билишади. Аммо баъзан керакли восита ёнингизда бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда шифокор ҷақириш керак. У етиб келгунича ўзингизга ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Яъни:

- Аввало ўтиринг.
- Ёнингизда бирор танишингиз бўлса, ундан орқангизни уқалашини илтимос қилинг. У кафтанини кайиқчага ўхшаби қовуштириб, орқангизга уриб чиқсин.
- Кулогингизнинг юмшоқ жойни уқаласангиз ҳам яхши нафи тегади. Фақат узоқ вақт, тез-тез уқалаш керак.
- Астма таъсирида илк бор нафаси сикилаёттан киши кўркиши, вахимага тушиши табиий. Бу эса беморнинг ахволини оғирлаштиради. Унга қайнок сувга аралаштирилган 60 томчи валокордин берилса, кўркув ҳиссини дарҳол тарқатади.

## Турмуш чорраҳаларида

Камол бошқа қизига унаширилибди, деган хабарни эшитган Гулруҳ эсанкираб қолди. Наҳотки шу гап рост бўлса?! У Камол билан учрашиб, бу гапнинг тагига етмоқчи бўлди. Лекин Камол тутқич бермади. Ҳашпаш дегунча тўй куни белгиланди. Бу хабар Гулруҳни батамом карахт қилиб қўйди. У Камолнинг номардлигидан ўз жонига қасд қилишгача борди...

Мана шу воқеага ҳам саккиз йилдан ошиди. Бу йиллар давомида бирорта совчи Гулруҳни сўраб, остонасига қадам босмади. Қўшни қишлоқдан келган совчилар ҳам миш-мисдан хабар топгач, қайта кўринишмади.

"У менинг орзу-умидларимни топтагани, севгимни оёқ ости қилгани етмагандек, келажагимни ҳам заҳарлади. Унга азоб чекиш қанақалигини кўрсатиб қўйман", хаёлидан ўтказди Гулруҳ. У кечқурун онаси ва опасига ўз мақсадини айтди. Онаизор қизига раҳми келдими ё шайтон йўлдан урдими, унга тўғри маслаҳат бериш ўрнига қўллаб-куватлади. Шу куни ёқ ўғли Русланинг одигига чақириб:

— Ўғлим, хабаринг бор, опанг Камолнинг дастидан ҳалигача азоб чекади. У опангнинг баҳтини қаро қилди. Сендан илтимос, ўша йигитнинг Севара исмли синглиси бор. Уни адаб, опангнинг қасдини ол! Улар ҳам азоб, алдов, хиёнат нималигини билиб қўйишишн! — деди.

Руслан ёшлик қилдими ёки бу ишнинг қалтислиги ни тушуниб етмадими, дардол рози бўлди. У тез кунда Севаранинг муҳаббатини қозонди.

Севара оиласда кенжадарининг Фахрийлар кенгаси иккинчи жаҳон уруши ҳамда ички ишлар идоралари фахрийиси

**Кали бобо КАРИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби аммиакли селитрани кузатиш батальони гуруҳ сардори, милиция лейтенанти

**Жакен АЙДАРОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.



дод, бирор ишни қилишга жазм этдими, уddyalamaguncha tinchimasdi.

Қиз Руслан билан танишгач, юрагида ишқ ўти алантаганди. Йититнинг ширин сўзлари, ҳавоий ваъдаларига ишониб, унга батамом боғланиб қолди. Йигит гўё осмондаги ойни олиб беришга қодирдек эди.

Мактабни битириш кечасида синфдошлар йиғилиб, хурсандчилик қилишди. Севара тенгдошларининг таклифига кўра озгина шампан виноси иҷди. Ўша куни Руслан билан учрашганда унинг кўзлари чакнаб, тинмай кулишидан мастлиги сезилиб турарди. Руслан пайтдан фойдаланиб: Севара, сени бир жойга олиб бормоқчи-ман, ўйқ демайсанми? — деб сўради. Севара эса кулиб, ўзини қўлга олишга ожизлиқ қиларди.

— Сени холам келиб-кетсин дегандилар, — деди уни

бағрига босган Руслан. — Муҳим гаплари бор экан.

— Нима гап экан? — қизиқди Севара.

— Фақат ўзингта айтар эканлар. Бугун боришинг шарт. Йўл усти кириб ўтаголайлик, — илтимос қилди Руслан.

Севара ичклик таъсиридан қандай "муҳим" гаплигига қизиқдими "хўп" деганини билмай қолди.

Мадина опанинг уйида ҳеч ким ўйқ экан.

— Холанг қанилар? — ҳайрон бўлиб сўради кайфи анча тарқалган Севара.

— Билмадим, — елка қисганича, эшикни ичкаридан қулфлай бошлади Руслан.

— Нима қилаяпсан?! — Севара унинг қўлларига ёпишди.

Руслан қизнинг қаршилигига қарамасдан, даст кўтариб, ичкари хонага олиб кириди. Қўшиносининг уйидан кимнингдир бақирганини

эшиттан Нурмат бобо қўлидаги кетмонни бир чеккага улоқтириб, овоз чиқсан томонга югуради. Аммо уй эшиги қулф эди. У эшикни тақиллата бошлади. Лекин ҳеч ким жавоб бермади. Шу пайт қиз боланинг додлаган овози эштилди. Нурмат бобо бор кучи билан эшикни итариб очди-ю ичкарига кириди.

... Ичкаридан кўзлари жиққа ўш, соchlari тўзғиган Севара отилиб чиқди.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлган Нурмат бобо қийин аҳволда қолди. Кўрганлари қизнинг ота-онасига айтадиган гап эмас. Ҳеч нима кўрмагандек индамай кетай деса, қариган чоғида виждан азобида қийналиб юришни истамади. У охири кампира га дилини ёрди.

— Сен бориб қўшинингтаги айт. Жиянининг қиммишидан хабари бормикин? — сўради у.

Кампир минг истиҳола билан қўшиносинига чиқди ва бўлган гапни Русланинг холаси Гулчехрага босиклик билан тушунтириди.

— Нима қиласиз ёшларнинг ишига аралашиб? — деди Гулчехра пинагини бузмай. — Гап-сўзлар кўпайиб, бошингиз балога қолмасин!

— Қизим, бунаقا калта ўйлама. Мен гап-сўзлардан қўрқмайман. Қолаверса, ёшгина қизнинг уволига қолмайлик. Севара яхшиги на оиланинг фарзанди. Ота-онасини иснонда қўймасдан уни келин қилсангизлар маъқул иш бўлади.

Бу панду насиҳатларни эшитган Гулчехра:

— Сиз кетаверинг, буни ўзимиз ҳал қиласиз, — деб қўя қолди.

Севаранинг хатти-ҳаракатларида ўзгариш сезила бошлади. У Русланга "Менга тезроқ ўйланинг. Ота-онам қиммишидан хабар топса, мени тирик қўймайди", дедя ялиниб-ёлворди. Аммо Руслан унга тайинли бир жавоб айтмади.

Нурмат бобонинг аралашуви билан улар унаширилиди. Севаранинг кўнгли анча таскин топгандек бўлди. Орадан ойлар ўтди. Аммо куда томондагилар тўй қилишни ҳаёлларига ҳам келтиришмади. Севаранинг ҳомиладорлигини эшитгач эса мақсадларига етишганидан хурсанд ҳам бўлишиди.

Руслан Севаранинг ҳақиқатан севиб қолганди. У ота-онасини бир неча бор тўй қилишга кўндиromoқчи бўлди. Ялиниб-ёлворди. Лекин онаси: "Ўшани хотин қиласман дессанг, сенек ўғлим ўйқ!" деб туриб олди.

Ҳозирда Севаранинг ўғли тўрт ўшда. Руслан уни "ўғлим" дедя айта олмайди. Аммо қиммишидан ҳамиша эзилади. Онасининг гапига киргани, жиноятта кўл урганидан изтироб чекади. Лекин фишт қолицдан кўчган. Севара эса уни икки дунёда ҳам кечирмайди.

Қиммишига яраша жазо олган Руслан қамоқдан қайтагач, оғир дардга чалинди. Шифокорларнинг саъйҳаракатлари фойда бермади...

**Худойберган ЖАББОРОВ.**  
Хоразм вилояти.

## БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиши марказига 2004 йилнинг 30 июль куни Янгийўл тумани ИИБ профилактика инспекторлари томонидан шу туман худудида қаровсиз юрганини учун осиё миллиатига мансуб ўғил бола келтирилди.

У билан ўтказилган дастлабки сұхбатда аникланишича, унинг исми Бахтиёр, 1987 йилда туғилган. Бир неча йилдан бери Янгийўл тумани худудидаги хонадонларда яшаб юрган. Боланинг айтишича, беш ёшлигига Андикон вилоятидаги меҳрибонлик уйларининг биридан чиқиб кетган. Ўзи, ота-онаси, яқин қариндошлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотта эга эмас.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, озғиндан келган, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, сочи қора, кўзлари жигарранг, қошлари қора.

**Кийимлари:** эгнида оқ кўйлак, катак шортиқ, оёғида оқ резина шиппак кийган.

**Боланинг ота-онаси, яқинлари Янгийўл шахридаги вилоят ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.**



БИР КУНИ...

# КЕТМОН ЧОПИШ ОСОН ЭМАС

Жаҳл устида ёки ичкиликнинг таъсирида жиноятга қўйурганларнинг аксарияти, эс-хушини йигиб олгандан кейин, ҳеч ким тополмайди, деган хаёлда дуч келган томонга қочади.

Уч улфат йигилишиб, пивохўрлик қилишади. Ичкилик мөъёридан ошгандан кейин ширин сұхбат жанжалга айланади. Иккиси бир бўлиб шерикларини дўппослаб, жароҳатлаб, қочиб қолишади.

Суриштириб, уларнинг Қозоғистонга ўтиб кетгани ҳакида хабар топдим. Жанубий Қозоғистон вилояти Пахтаорол туманинаги қишлоқларнинг бирида фўза чопик қилиб юрган экан. Қўшни мамлакатдаги ҳамасблар ёрдамида уч-тўрт қишлоқни айланиб, охири топдим.

Кенг пахтазорда ўн чоғлик киши фўза чопик қилияти. Дехқонча кийиниб олганим учун улар менга эътибор беришмади. Беш-олти кишининг суяги дехқончиликда қотгани билиниб турарди. Лекин иккиси йигит ишлаш ўрнига тез-тез атрофга аланглашарди.

Уларга яқинлашиб:

- Йигитлар илгари кетмон чопганимизлар? – дея сўрадим.

- Йўқ, бекор бўлганимиз учун пул ишлаймизми деб келгандик, – деди улардан бири.

- Озгина сомон бор, прессланган. Бостирма тепасига таҳлаш керак, пулини нақд бераман. Келиб яна чопикни қилаверасизлар, – дедим уларга.

Икковлон ишонқирамай менга қарашиб. Лекин кетмон тинкаларини куритгани, ҳен иккапланмай рози бўлишиди. Уларни машинага ўтқазиб, йўлга тушдим. Бироз юрмачик мудрай бошлишиди. Давлат чегара масканига етиб келганимда атайлаб машинани силкитиб тўхтадим. Бу ерда бизни ҳамасблар кутиб олишиди. Йигитлар кўлга тушгандарини билиб, саросимада қолишиди.

- Сиз қозоғистонлик эмаслигингизни сезгандим, – деди улардан бири.

- Мен ҳам кетмонни кўтариб туширишнглардан дехқон эмасликларнинг билгандим. Кетмон чопиш одамни дўппослаш эмас, – дедим уларга жавобан.

**Пайзимурод ЭШМУРОДОВ,**  
Жиззах тумани ИИБ ЖҚ ва УЖКБ бошлиги,  
милиция капитани.

## Фаолиятимиз баҳоси

### АНКЕТА САВОЛЛАРИ

1. "Постда" газетасини неча йилдан бери мутолаа қиласиз? Ушбу нашр билан илк бор қандай вазиятда танишгансиз?

2. Газетани қандай йўл билан оласиз: обуна бўласизми, сотиб оласизми ёки танишлардан олиб ўқийсизми?

3. Сизнингча "Постда" газетаси бошқа нашрлардан қайси томонлари билан фарқланади?

4. Кейинги бир-икки йил ичida газетада муайян ўзгаришлар сезилдими?

5. Газетада ёритилаётган мақолаларнинг қайси туркумини мунтазам мутолаа қилиб борасиз?

- публицистика;

- ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, хабарлар, янгиликлар, ташабbusлар;

- ички ишлар ходимларининг фаолияти ва ўкуви ҳақидаги мақолалар;

- "Учинчи олам", "Ниҳол" саҳифаларида ёритилаётган бадиий адабиёт намуналари, кроссвордлар, ўзига хос воқеалар;

- хориж билан боғлиқ мақолалар;

- Ҳамдустлик давлатлари ва чет эл мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот посбонлари тўғрисидаги материаллар;

- маданий ҳаёт ва ижтимоий муаммолар;

- жисмоний тарбия ва спорт.

6. "Постда" газетаси сиз хизмат қилаётган бўлинмада муҳокама қилинадими? Умуман, газета доирасида қандай ишлар амалга оширилади?

7. Сизнинг назарингизда газета ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қайда даражада ёритиб бораляти?

8. Эслаб кўринг-чи, сизга кейинги пайтда газетада ёритилган қайси мақола кўпроқ маъқул бўлди ва аксига улардан қайси бири ёқмади?

9. "Постда" газетасига бирор масала юзасидан ёки мақола ёзиб мурожаат қилганимизи?

10. Газетамизнинг ранг-баранг ва ўқимишли чиқиши учун яна қандай мавзуларга мурожаат қилиши мизни лозим деб ўйлайсиз?

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI HUV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

### Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

|  |                             |
|--|-----------------------------|
| Bosh muharrir o'rinnbosari<br>Erkin SATTOROV | Navbatchi Qobiljon SHOKIROV |
| Mas'ul kotib v.b.<br>Sadriddin SHAMSIDDINOV  | Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV |

# КРОССВОРД


**ЭНИГА: 4. Уй усти. 9. ...**

Бланка. 10. Автобус. 11. Офат. 12. Худудий бўлинма.

13. Пахлавон, мард. 14. Фарзанд учун тўлов. 15. Жиноятчи, гуноҳкор. 18. Мушкетёр. 21. Шарф яккарураши. 22. Цитрус мева. 24. Руҳоний. 25. Халқ, тўда. 26. Гуноҳга бошлагувчи. 32. Фаввора (русча). 35. Қитъа. 36. Пул бирлиги. 37. Суратдаги шахс. 38. Касаллик тури. 39. Ижара тури. 40. Хом-хаёл. 41. Сув жоновори.

**БЎЙИГА: 1. Асл, соғ. 2. Англиядаги увон. 3. Ёзув ашёси. 4. Сув ҳаракати. 5. Ошхона иш куроли. 6. Асаддан келтирилган парча. 7. Америкадаги давлат. 8. Табиат ҳодисаси. 16. Буюк аллома. 17. Америкадаги кўл. 19. Машхур бразилиялик футболчи. 20. Курол тури. 21. Оз. 23. Сўз туркуми. 27. Имзосиз, авторсиз. 28. Болтиқбўйидаги шаҳар. 29. ... кирғоқ. 30. Компьютер тили. 31. Элат, эл. 32. Пешбанд (русча). 33. Асад ҳужайраси. 34. Россия футбол жамоаси.**

Зокир БОЛТАЕВ тузди.



### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Капалак. 2. "Камолот". 3. Трактор. 4. Роҳат. 5. Такси. 6. Истиҳола. 7. Ангрен. 8. Номозшомгул. 9. Лаган. 10. Ништар. 11. Раҳмат. 12. Тулки. 13. Илк. 14. Кўрсатма. 15. Ашула. 16. Амударё. 17. Ёкут. 18. Тентак. 19. Колли. 20. Иш. 21. Шўрва. 22. Арча. 23. Аланга. 24. Анаас. 25. Сардоба. 26. Ақл. 27. Лазги. 28. Иқтисод. 29. Дурра. 30. Асал. 31. Лобар. 32. Рамазон. 33. Нашвати. 34. Илҳақ. 35. Кора-тош. 36. Шанхай. 37. Илкі. 38. Ироқ. 39. Қийин. 40. Нуқсон. 41. Нар. 42. Рух. 43. Ҳусайн. 44. Иклим. 45. Мураббий. 46. Йод. 47. "Даракчи". 48. Ирова. 49. Асбоб. 50. Байрам. 51. Мулк. 52. Марҳамат. 53. Турна. 54. Аренада. 55. Асло. 56. Олтин. 57. Насиба. 58. Алла. 59. Асака. 60. Архар. 61. Равон. 62. Новвот. 63. Терма. 64. Айний. 65. Йўлдош. 66. Шак. 67. Кам.

### МУШТАРИЙЛАРИМИЗНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Биринчи бор 1960 йилда икки бетдан иборат газетани ўқиб қизиқиб қолганман.

2. Оиласиз билан обуна бўламиз.

3. Республика милиция фаолиятини янада яхшилашга қаратилганлиги, ҳар бир мақола ҳақиқатнинг очиб берилиши, халқни огоҳликка ундаши ва ўқимишлилиги билан ажralиб туради.

4. Газета руқнлари янада кўпайиб, ҳажми ортиб бориши билан ўзгарди.

5. Оғир жиноятлар ҳақидаги мақолалар кишини ўйлантиради, мутолаа қилишга ундейди. Мен деярли барча материалларни ўқиб чиқаман, сканворд ва кроссвордларни ечаман.

6. Оила даврасида муҳокама қиласиз, мақолаларда жиноятчilar қоралсанса, яхшилик қилгандар, меҳр-мурувват кўрсатганлар олқишиланади.

7. Ички ишлар идораларида олиб бориляётган ишлар, ислоҳотлар кўнгилдагидек ёритиляти.

8. "Учинчи олам", "Саломатлик" саҳифалари, "Аср вабоси", "Турмуш чорраҳаларида", "Жиноят ва жазо", "Қилмиш-қидирмиш", "Истеъдод", руқнлари остида берилётган материалларни кўпроқ ёқтираман.

9. Бирор марта ҳам мурожаат қилмаганман.

10. Газета янада ўқимишли бўлиши учун ўтмишда содир этилган жиноятлар ва уларга кўлланилган жазолар ҳақида мақолалар берилishi мақсадга мувофик, деб ўйлайман.

Суннатилла ҲАМИДОВ,  
Галлаорол тумани "Меҳр-шафқат ва саломатлик"  
жамғармаси раиси.

### ЭЪЛОН

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ  
ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Моддий-техника ва таъминот бошқармаси

2004 йилнинг 13 августидан 14 сентябригача

Зирхланган нимчалар учун пластиналар

Зирхланган нимчалар ишлаб чиқариш борасида хизмат кўрсатиш бўйича

ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича кўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Тошкент шаҳри. 700070. Ш. Руставели кўчаси 1-берк кўча, 1-уй.

Техник хужжатлар 2004 йилнинг 13 августидан 14 сентябригача қабул қилинади.

Тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилишнинг охиги мuddati 2004 йил 14 сентябрь кеч соат 17.00гача.

Тендер хужжатларни олиш ва маълумотлар учун ҳар куни соат 9.00дан 19.00гача қўйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: 8 10 998 (3712) 558322, 558328

Факс: 8 10 998 (3712) 567416, 558322

E-mail: umtvs@uzpak.uz

### ... ВА НИҲОЯТ

### НИМТАБАССУМ

Бир дехқон сартарошхонага келди. Сартарош дехқоннинг қайси қишлоқданлигини биларди. Шунинг учун ҳамқишлоқларини мақтади бошлади.

– Улардай чиройли, мард одамларни кўрмаганман, соқолларини совунисиз, кўруқ қирдиришади-я!

Дехқон креслога ўтирад экан ўйлади: "Ҳамқишлоқларимдан қаерим кам!"

### КЕЙИНГИ СОНДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР!

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibi – 180  
Tashkilotlar uchun – 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqt – 21.00.  
Bosishga topshirildi – 21.00.

Toshkent matbaa  
kombinatida chop etildi.

Korxona manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

(N) – Internet va xorijiy  
matbuot vositalari asosida  
tayyorlandi.